ЎЗБЕКИСТОН ССРДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН МЕХАНИЗАТОР Ш. ҚУДРАТОВНИНГ: ПАХТА ТЕРИМИДАГИ ҲАР БИР ДАҚИҚАНИНГ ҚАДРИГА ЕТАЙЛИК, ПАХТА ТЕРИШ МАШИНАЛАРИНИНГ ИККИ СМЕНАДА ИШЛАТИЛИШИНИ ТАЪМИНЛАЙЛИК, КЎПМИНГ КИЛОГРАММЧИ ТЕРИМЧИЛАР ҲАРАКАТИНИ КЕНГ АВЖ ОЛДИРАЙЛИК, ПАХТА ТЕРИМИНИ ШУНДАЙ УЮШТИРАЙЛИККИ, КОЛХОЗЧИЛАРНИНГ БУТУНИТТИФОҚ III СЪЕЗДИГА БОРГАН РЕСПУБЛИКАМИЗ ВАКИЛЛАРИ ЎЗБЕКИСТОННИНГ 4 МИЛЛИОН 100 МИНГ ТОННА «ОҚ ОЛТИН»И ТАЙЁР ДЕБ ПАРТИЯ БИЛАН ҲУКУМАТГА АЙТА ОЛСИНЛАР, ДЕГАН ДАЪВАТИ ҲАР БИР КОЛХОЗНИНГ, ҲАР БИР СОВХОЗНИНГ, ҲАР БИР БРИГАДА, ҲАР БИР ПАХТАКОРНИНГ ЖАНГОВАР ҲАРАКАТ ПРОГРАММАСИ БЎЛИБ ҚОЛИШИ ЛОЗИМ.

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети ва Министрлар Советининг органи

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН ● 20 сентябрь 1969 йил, шанба ● № 220 (14.383). ● Баҳоси 2 тийин.

ШОЙМАРДОН ҚУДРАТОВ ИЗДОШЛАРИ ҚЎПАЯВЕРСИН

ҚАЛБ СЎЗЛАРИ

Янгиликнинг қаноти бор, дейди халқимиз. Бу — ҳақ гап. Шеробод чўлининг баҳодири, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Шоймардон Қудратовнинг матбуот орқали республикамиздаги барча пахтакорларга қилган мурожаати Мирзачўл диёрига ҳам жуда тез етиб келди. «Советобод» совхозининг комплекс механизациялашган бригадаси бошлиғи ҳамкасбимиз Қудратов ўзининг бу мактубида қалб сўзларини битибди, ҳаммамизнинг кўнглимиздагини баён этибди.

Қаҳрамоннинг мактубини эўр қувонч билан кутиб олдик. Ўз ишларимизни ана шу ватанпарварлик чақириғи асосида ташкил этишга қарор қилдик. Чунончи, ҳар қандай қийинчиликларга қарамасдан пахта йиғим-теримини қисқа муддатларда ўтказишга, планни, социалистик мажбуриятларни муддатидан илгари адо этишга қатъий бел боғладик.

Ҳеч кимга сир эмаски, бу йил табиат жуда ўжарлик қилди. Шоймардон Қудратов айтганидек, баҳорда чигитни қайта экмаган хўжаликлар, районлар камдан-кам бўлса керак. Айниқса, Мирзачўл шароитида чигит экиш кампанияси даврида биз жуда кўп қийинчиликларга дуч келдик. Баъзи пайкеллэрга чигит икки мартадан қайта экилди. Лекин, шунга қарамасдан, деҳқонларимиз ҳар тун ғўзани қалб қўри, меҳр зиёси билан парвариш қилишди. Қатор ораларини вақтида культивация қилиб, экинни маромида суғордик ва озиқлантирдик. Натижада планнигина эмас, балки социалистик мажбуриятни ҳам ошириб бажариш учун имконият яратилди.

Бизнинг бригадэмизда ҳам ҳосилнинг чўғи кўзларни қувонтиради. 100 гектар майдонда кутилмагандан ҳам зиёда ҳосил етиштирилди. Йиғим-терим арафасида имкониятларимизни чамалаб кўриб, ҳар гектар майдондан 28 центнердан «оқ олтин» топширишга ахд қилган эдик. Шоймардон Қудратовнинг қалб сўзларини ўқир эканмиз, бу мажбуриятимизни ҳам қайта кўриб чиқиш зарур, деган хулосага келдик. Бригада аъзолари билан маслаҳатни бир жойга қўйиб, гектар бошига 30 центнердан пахта топширамиз, деб ваъда бердик.

Ҳа, шунча пахта даламизда бор. Ҳамма гап пешона тери тўкиб етиштирилган мўл ҳосилни ўз вақтида саранжомлаб олишда қолган. Бунга эришмоқ учун барча ишчи кучи, механизмлар йиғим-теримга сафарбар этилмоқда. Менинг ўзим бу йилги мавсумда «зангори кема» бункеридан камида 200 тонна «оқ олтин» тўкмоқчиман. Совхозимиздаги кўпгина механик-ҳайдовчилар ҳам ўз устларига қўшимча мажбурият олиб ишлашяпти.

Мирзачўл далаларига ўзгача файз киряпти. Пахтазорлар оппоқ оқариб қолмоқда. Салмоқдор кўсаклар бодроқдек очиляпти. Дала гвардиячилари теримга тушиш арафасида. Мўл ҳосилни тезроқ йиғиштириб олишга ҳамма шошилмоқда. Ана шулардан орқада қолмаслик учун мен ҳам меҳнатимни, вақтимни сира эямайман.

Т. ШЕРМАТОВ,
Сирдарё областидаги «Пахтакор» совхозининг механизатори.

ГУРЛАН районидаги Навоий номли колхозининг пахтакорлари бу йил 965 гектар майдонининг ҳар гектаридан 40 центнердан пахта етиштириш ва давлатга сотиш мажбуриятини олишган. Ҳозир колхозда ҳосил йиғим-терими оммавий равишда бошлаб юборилди. Илғор теримчилар кунлик нормани анча ошириб адо этишяпти. Сиз суратда кўриб турган Фотима Нормуродова кўпминг-килограммчилар мусобақасида пешқадамлик қиляпти.

Р. Жуманиёзов фотоси.

КУНИГА 15-18 ТОННАДАН

ТЕРМИЗ. («Совет Ўзбекистони» мухбири). Шеробод районидаги Охунбобоев номли совхозининг моҳир механик-ҳайдовчиси, комплекс механизациялашган бригада бошлиғи, Ленин орденли Н. Жумаев ўзи бошқараётган тўрт қаторли «Ўзбекистон» агрегати билан теримнинг дастлабки кунидаёқ 18 тонна пахтани бункердан тўкди. Бу йиллик планнинг қарийб 10 процентини ташкил этади. Донгдор механизатор ўзи раҳбарлик қилаётган бригада планини 8 иш кунида бажаришга, барча ҳосилни машинада териб олишга ва мавсумда 350 тонна «оқ олтин» териб беришга сўз берди.

Н. Жумаев билан мусобақалашаётган механик-ҳайдовчилардан Ж. Рустамов ва А. Расулов ўртоқлар ҳам дастлабки кунидаёқ тўрт қаторли «Ўзбекистон» агрегати билан ҳар бири 15 тоннадан ошириб пахта тердилар.

◆ ◆ ◆

КЎП МИНГ КИЛОГРАММЧИЛАР

Бўка районидаги «Гулистон» колхозида ҳосил терими бошланди. Бу йил мамлакатга топшириладиган пахтанинг 2800 тоннасини механизаторлар териб беришади. Ҳозирча машина терими бошланганг йўқ. Қўлда пахта териш эса кун сайин авж олмоқда.

Колхозда кўп минг килограммчилар сафи тобора кенгаймоқда. Олтиной Шоҳбосарова, Кўйди Маёнубова, Ойша Рўзиева сингари чеварлар бу йилги мавсумда 8—10 тоннадан «оқ олтин» териб беришмоқчи. Уларнинг ҳар бири шу кунларда 70—80 тоннадан пахта теряпти.

Тагин бир неча кундан кейин «зангори кема»лар ҳам пахтазорда жавлон ура бошлайди. Ушанда суръатга тагин суръат қўшилади.

Ф. ЛУТФУЛЛАЕВ.

ОҚҚУРҒОН районидаги «Ўзбекистон ССР беш йиллиги» совхозининг коллективи пахтачиликни комплекс механизациялаш ва айниқса ҳосил йиғим-теримини кенг машиналаштиришда кўпдан бери ибрат кўрсатиб келяпти. Хўжалик пахтакорлари ва механизаторлари бу йил ҳам етиштирилган ҳосилнинг деярли ҳаммасини «зангори кема»ларда териб олиш ниятида. Машина теримига намунали тайёргарлик кўриляпти. Дефолиация сифатли ўтказиляпти. Суратда: совхозда самолётлар ёрдамида ғўзаларни дефолиация қилиш пайти.

А. Абальян фотоси.

МАШИНА ШАРОФАТИ

ЖАРҚУРҒОН. («Совет Ўзбекистони» мухбири). Райондаги Ленин номли колхоз механизаторлари машина теримини ёппасига бошлаб юбордилар. 23 та «зангори кема»дан 13 таси ишга тушди. Терим агрегатларининг ҳаммасини комсомол аъзолари бошқаряптилар. Механик-ҳайдовчилардан Я. Чориев, М. Қобилов, Ж. Шарипов, У. Болтаев ўртоқларнинг ҳар бири мавсумда 200—250 тоннадан пахта териш мажбуриятини олиб, белгиланган кунлик нормаларни 1,5—2 баравар адо этмоқдалар. Уларнинг ҳар бири «ХТ-1,2» агрегати билан кунига 3-4 тонна пахтани пўлат этаклардан тўкмоқдалар.

Машина терими авж олдириб юборилганидан кейин Холтўра Олманов, Шариф Тўраев ўртоқлар бошлиқ 50 центнерчи бригадалар ҳар куни йиллик планнинг 5-6 процента миқдорида пахта сотишга муваффақ бўлдилар. Бу бригадаларнинг аъзолари йиллик планни 10 иш кунида адо этиб, зиммага олинган социалистик мажбуриятни ҳам октябрь ойи ўрталаригача бажаришга, Улуғ Октябрь байрами кунигача эса далаларни ҳосилдан тозалаб, кузги шудгорни тугаллашга сўз бердилар.

В. И. Ленин туғилган кунининг 100 йиллиги юбилейини мунросиб совғалар билан нишонлаш учун қурашаётган ва Шоймардон Қудратов ташаббусига қўшилган колхоз азаматлари асосан ингичка толали пахтадан иборат бўлган 1720 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 36 центнердан хирмон қўтаришга, ҳосилнинг 2200 тоннасини машиналар билан териб олишга, давлат планини 20 октябргача, мажбуриятни 1 ноябрга ва уддалашга, 7 ноябргача эса ҳосил йиғим-теримини бутамом тугаллашга ахд қилдилар.

А. ХАЛИЛОВ.

„ЛАББАЙ" ДЕЙИШЯПТИ

Сурхондарёлик қаҳрамон Шоймардон Қудратовнинг ватанпарварлик ташаббуси Нарпай районидаги Карл Маркс номли колхоз азаматларини ҳам янги меҳнат зафарларига илҳомлантирмоқда. Шу муносабат билан механизаторлар ўз устларига янги-янги мажбуриятлар, олиб меҳнат қилишяпти. Улар 1861 гектар майдондан йиғиштириб олиниши лозим бўлган 6300 тонна пахтанинг ярмидан кўпроғини «зангори кема»ларда саранжом-саришталаймиз дейишяпти.

Шу кунларда ғўза баргларини сунъий усулда тўктириш жадал давом эттирилмоқда. Муҳаммади Бозоров, Ҳаким Хўжақулов ўртоқлар бошлиқ бригадалар ҳосилнинг 60 процентини агрегатларда териб оладилар. Дефолиация ўтказилган майдонларда кўсаклар бодроқдек очила бошлади. Дала гвардиячилари эрта-индин машина теримига киришадилар.

«Зангори кема»ларнинг ҳаммаси ремонт қилиниб, дала бошига чиқариб қўйилган. Отамурод Исмоилов, Турсунбой Нормуродов сингари механизаторларнинг ҳар бири бу йилги мавсумда 150-160 тоннадан пахта териш учун курашмоқда.

— Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Шоймардон Қудратовнинг ватанпарварлик чақириғига жавобан, — дейди колхоз раиси, Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутати Шомурод Қаҳҳоров, — пахта йиғим-теримини 15 ноябрга қадар тугаллашга ахд қилдик. Социалистик мажбуриятимиз Улуғ Октябрь байрамигача тўла бажарилади. Шундан сўнг мажбуриятдан ташқари пахта топширамиз. Бунинг учун конкрет тадбирлар белгиланган. Ана шу тадбирларнинг изчиллик билан амалга оширилишига, йиғим-теримнинг муваффақиятли ўтказилишига ишончимиз комил.

Раиснинг гапларида жон бор. Чунки, йиғим-терим кўнгилдагидек ташкил этилган. Белгиланган режаларнинг бажарилишига ҳамма асослар бор.

Т. ХОЛМУҲАМЕДОВ.

КОСМОС ҚАҲРАМОНИ БИЛАН УЧРАШУВ

«Союз-5» космик кемасининг командири, СССР космонавт-учувчиси, Совет Иттифоқи Қаҳрамони, полковник Б. В. Волинов Ўзбекистонда уч кун меҳмон бўлди. У «Ленин — фан — космос» кўргазмасида бўлди. Тошкентнинг янги қурилишлари ва Самарқандниг диққатга сазовор жойларини бориб кўрди, олимлар, Қизил байроқли Туркистон Ҳарбий округининг жангчилари, ёшлар билан учрашди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари Р. Н. Нишонов Б. В. Волиновни қабул қилди.

Б. В. Волинов 19 сентябрда Тошкентдан жўнаб кетди.

(ЎзТАГ).

ЖУРНАЛИСТЛАР УЧУН МАТБУОТ КОНФЕРЕНЦИЯСИ

19 сентябрда Тошкентда Ўзбекистон пойтахти журналистлари ҳамда марказий газеталар, радио ва телевиденье мухбирлари учун навбатдаги матбуот конференцияси бўлди.

Республика геология министрининг биринчи ўринбосари В. Г. Гарьковец Ўзбекистонда геология-қидирув ишларининг асосий йўналишлари тўғрисида сўзлаб берди, республика химия саноати бошқармасининг бош инженери В. В. Рибаков ҳозир бўлганларга Ўзбекистонда химия саноати ва унинг истиқболи деган темада ахборот берди. (ЎзТАГ).

ИШЧИЛАР САФИГА

Қирқ мингдан ортиқ йигит-қиз ҳозирги вақтда малакали ишчи бўлиб етишиш учун Ўзбекистондаги ҳунар-техника мактабларининг курсларда таълим олмоқда. Яқин беш йил мобайнида ана шу билим юртларида ўқувчилар қарийб икки баравар кўпаяди. Ҳунар ўргатиш билан бирга ўрта маълумот берадиган ана шундай ҳунар-техника мактабларининг тармоғи анча кенгайтирилади. Ана шундай янги кадрлар ўчоқларидан дастлабки ўн учтаси шу йилнинг ўзидаёқ ўз бағрига 1 минг 200 дан зиёдроқ ўсмирин олди.

19 сентябрь куни Тошкентда бўлиб ўтган ҳунар-техника таълими ходимларининг республика активи кенгашида мана шулар тўғрисида гапирилди. Кенгашда билим юртларининг директорлари, ўқитувчилари ва мастерлари билан биргаликда область, шаҳар ва бир қанча район партия комитетларининг секретарлари, министрлик, корхоналар, область ва шаҳар Советлари ижроия комитетларининг раҳбарлари, шунингдек комсомол ташкилотларининг раҳбарлари қатнашдилар. Кенгашни Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари М. Т. Турсунов очди.

Кенгаш қатнашчилари республика Министрлар Совети ҳунар-техника таълими Давлат комитетининг раиси Х. З. Калоновнинг республикада малакали ишчилар тайёрлаш соҳасидаги ҳамма ишларни янада яхшилаш тўғрисидаги докладини муҳокама қилдилар.

Кенгашда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари Р. Н. Нишонов нутқ сўзлади.

Кенгаш қатнашчилари ўқув юртларининг барча педагогик коллективларига, министрликлар, идора ва ташкилотларга, базалари бўлган корхоналар, совхозлар ва колхозларнинг ишчилари ва инженер-техник ходимларига мурожаат қабул қилиб, уларни КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг «Ҳунар-техника таълими системасидаги ўқув юртларида малакали ишчилар тайёрлашни янада яхшилаш чоралари тўғрисида»ги қарори билан белгиланган вазифаларни муваффақиятли бажаришга ва шу тарика В. И. Ленин туғилган кунининг 100 йиллигини муносиб кутиб олишга чақирдилар. (ЎзТАГ).

4,100,000 тонна учун

Ўзбекистон ССР областларида пахта тайёрлаш ва ғўза баргларини дефолиация қилишнинг бориши тўғрисида 1969 йил 19 сентябрга бўлган МАЪЛУМОТ

(Планга нисбатан процент ҳисобида)

Биринчи стун — областлар; иккинчи стун — бир кунда тайёрланган пахта; учинчи стун — мавсум бошидан буён тайёрланган пахта; тўртинчи стун — дефолиация қилиш топшириғи (гектар ҳисобида); бешинчи стун — дефолиация қилинган майдон; олтинчи стун — планнинг бажарилиш проценти.

Тошкент	0,19	0,44	210000	13054	6,2
Сирдарё	—	—	380000	15277	4,0
Фарғона	0,45	1,02	140000	—	—
Наманган	0,29	0,79	100000	—	—
Андижон	0,34	0,87	90000	546	0,6
Самарқанд	0,01	0,04	160000	837	0,5
Бухоро	0,76	4,62	160000	20378	12,7
Қашқадарё	1,17	5,97	90000	17176	19,1
Сурхондарё	0,86	4,06	200000	21408	10,7
Хоразм	0,15	0,15	100000	3289	3,3
ҚҚ АССР	0,15	0,43	190000	10706	5,6
Республика бўйича:	0,36	1,43	1820000	102671	5,6
Шу жумладан ингичка толали пахта:					
Бухоро	—	—			
Қашқадарё	0,92	3,94			
Сурхондарё	0,67	5,38			
Республика бўйича:	0,58	4,00			

ИЗОҲ: Қашқадарё области да машиналарда бир кунда 0,01 процент, мавсум бошидан эса 0,03 процент пахта терилган.

Расмий хабарлар

САНОАТГА — ИЛҒОР ТЕХНИКА

18 сентябрда Кремлда СССР Олий Совети Иттифоқ Совети саноат, транспорт ва алоқа комиссиясининг мажлиси бўлди. Енгил ва озиқ-овқат саноати ҳамда рўзғор асбоблари учун машинасозлик министрлиги иш унуми юқори даражада бўлган ускуналарнинг замонавий турларини яратиш ва чиқариш топшириқларини қандай бажараётганлиги масаласи кўриб чиқилди.

Мажлисни комиссия раиси депутат Г. И. Вашченко олиб борди.

Комиссия ишида СССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосари А. А. Мюрисеп, СССР Олий Совети Миллатлар Советининг раиси Ю. И. Палецкис қатнашдилар. (ТАСС).

ГДР МАДАНИЯТИ КУНЛАРИ

18 сентябрда Москвада Германия Демократик Республикасининг маданият кунларининг тантанали очилиш маросими бўлди. Пойтахт ишчилари, жамоатчилик вакиллари, маданият ва санъатнинг кўзга кўринган арбоблари, Совет Армиясининг жангчилари Союзлар уйининг колонна залида тўпланишди.

РСФСР Министрлэр Совети Раисининг ўринбосари В. И. Кочемасов Германия Демократик Республикасининг маданият арбобларини самимий табриклаб, Россия Федерациясида Германия Демократик Республикасининг маданият кунлари очилганлигини эълон қилди.

Шу кеча Союзлар уйида немис миллий классикасининг ҳамда Германия Демократик Республикаси композиторларининг асарлари янгради. (ТАСС).

ЭРИШГАН МУВАФФАҚИЯТЛАРИМИЗНИНГ ҲАММАСИ ШУНИ КЎРСАТИБ ТУРИБДИКИ, БИЗ ДУНЁДА ЭНГ АЖОЙИБ КУЧГА—ИШЧИЛАР БИЛАН ДЕҲҚОНЛАР КУЧИГА ТАЯНМОҚДАМИЗ.

В. И. ЛЕНИН.

ЯШАСИН ИШЧИ-ДЕҲҚОН БИРЛИГИ!

Суратда: [чапдан] Сирдарё областининг донгдор чўлқувар пахтакорлари — Гулистон ғ эйонидаги «Октябрь» номли колхознинг бригада бошлиғи Ж. Очалиев, «Малик» совхозининг бригадири С. Шокиров, Сирдарё районидаги Охунбобоев номли колхознинг бригада бошлиғи Ш. Абдуллаева, Ленин номли совхоз директори М. Дадажонов, 3-«Боёвут» совхозининг агрономи М. Решетов ва Гулистон районидаги «Коммунизм» колхозининг раиси Ж. Кўчиев ўртоқлар.

ҚУДРАТЛИ КУЧ

Бугун Сирдарё областида «Ўроқ ва Болға» байрами тантаналари бошланади. Бу байрамга Тошкент шаҳар меҳнаткашлари ҳам ўз туҳфаларини тайёрладилар. Оталиқ корхоналари қишлоқдаги дўстларига аниқ ёрдам кўрсатиш тадбирларини белгиладилар. Бу йилги байрам унутилмас сана В. И. Ленин туғилган кунинг 100 йиллиги арафасида ўтмоқда. Бу шонли кунни муносиб кутиб олиш учун Ўзбекистон пойтахтининг меҳнаткашлари ҳам қурилишларда, дастгоҳларда, идора ва муассасаларда ғайратга-ғайрат қўшиб меҳнат қилмоқдалар. «Ўроқ ва Болға» байрами ишчилар синфи билан колхозчи деҳқонлар иттифоқини янада мустаҳкамлашга, уларнинг меҳнат соҳасидаги ҳамкорлигини жиплаштиришга, оталиқ алоқаларини такомиллаштиришга ёрдам беради. Биз бу байрамни колхоз ва совхозларда пахта теримини муваффақиятли ўтказиш, олинган мажбуриятларнинг тўла бажарилишига эришиш борасидаги ўз ёрдамимизнинг дебочаси деб биламиз. Шунинг учун ҳам биз бу байрамга катта тайёргарлик кўрдик.

Ўзбекистон пойтахтининг корхоналари — «Ташсельмаш», «Ўзбексельмаш», «Ташавтомаш», «Ташхимсельмаш» трактор йиғув заводлари ва бошқа кўплаб корхоналар қишлоқни ҳозирги замон қудратли техникаси билан таъминлаб келмоқда. 1969 йилнинг 8 ойидагина миллиард сўмликдан ортиқ маҳсулот тайёрланди. Жумладан 12 мингтадан кўпроқ трактор, 22 мингтадан ортиқ прицеп, юзлаб «зангори кема», сеялка ва бошқа машиналар дала меҳнаткашларига етказиб берилди. Тошкент саноат корхоналарининг коллективлари Сирдарё областидаги кўпчилик хўжаликларга пахта териш машиналари ва бошқа транспорт воситаларини ўз вақтида ремонт қилиб, ишга шай қилиб қўйишда кўмаклашдилар. Пойтахтда механик-ҳайдовчиларни тайёрлайдиган курслар ташкил этилди. Бу йил пахта йиғим-теримида биргина Куйбишев районидан 560 киши пахта далаларида «зангори кема»ларда «оқ олтин» терадилар. Бу район меҳнаткашларининг кўкламда бошлаган ажойиб ишларининг давоми бўлади. Улар чигит ерга қадалган пайтда ҳам яхши ёрдам кўрсатган эдилар. Улуғ доҳиймиз В. И. Ленин шаҳар билан қишлоқ ўртасидаги ахил дўстликни мустаҳкамлашда оталиқ ёрдамига катта эътибор беришни таъкидлаган эди. Биз доҳий сўзларига амал қилиб шаҳар билан қишлоқ меҳнаткашлари ҳамжиҳатлигини ҳар жиҳатдан мустаҳкамлаш учун астойдил ҳаракат қилмоқдамиз.

Буюк доҳий В. И. Ленин асос солган ишчи ва деҳқон дўстлигининг шаҳримизда қарор топиши тарихи анча илгаригидан бошланади. Тошкентга яқин қишлоқлардаги деҳқонларга оталиқ ёрдами 1923 йилларда кўрсатила бошланган. Ўша йили Тошкент трамвайнинг партия ячейкаси дала ишларини ўтказишда, ишлаб чиқариш қуролларини ремонт қилишда ва бошқа шу каби қатор ишларда эски Тошкент қишлоқ деҳқонларига мадад бериш тўғрисида қарор қабул қилган эди. Шундан бошлаб Тошкент аҳолиси қишлоққа оталиқ ёрдами кўрсатишнинг ташаббускорлари бўлиб қолдилар. Улар Ўрта Осиёда биринчи бўлиб Владимир Ильич Ленин чақириғига ўзларининг амалий ишлари билан жавоб бедилар. 1924 йилнинг охирига келиб Тошкентдаги 13 та партия ячейкаси турли қишлоқлардаги деҳқонларга ёрдам қўлини чўздилар. Қутлуғ ташаббус йиллар оша қанот ёзди. Бугун биз оталиқ ёрдами соҳасида қилаётган ишларимизни якунлаб, келгуси режаларимизни белгилаб оламиз

Байрамнинг самарали ва амалий характерга эга бўлиши учун биз қатор тадбирларни белгиладик. Тошкентдаги ҳар бир райони, ҳар бир корхонага маълум топшириқлар берилган, уларнинг қайси район ва хўжаликда бўлишлари белгиланган. Айтайлик, Тошкент шаҳрининг Ленин районидаги меҳнаткашлари байрам кунларида Сирдарё ва Пахтаорол районларида, Киров районидаги меҳнаткашлари Гулистон районида бўладилар. Худди шунингдек Куйбишев, Фрунзе, Октябрь, Чилонзор ва бошқа пойтахт районлари областнинг маълум бир район ва хўжаликларида иш олиб борадилар. Улар байрамдагидек безатилган юзлаб машиналардан иборат автоколонналарда мутахассисларни олиб бориб техникани ремонт қилиш ва уларни пахта йиғим-теримига қозирлаш ишида ёрдам кўрсатадилар. Фрунзе райони вакиллари Мирзачўлда бўлиб деҳқон дўстларига ёрдам берадилар. Улар шу мақсадда турли асбоб-ускуналар, пайвандловчи агрегатлар, дастгоҳлар ортилган 6 та автоустахонани дўстлари ҳузурига юбордилар. Ҳар бир машина билан ўз касбининг моҳир устаси бўлган 12 мутахассис жўнатилди. Чилонзор райони ҳам худди шундай 5 та машинани йўлга чиқарди. Шаҳарнинг бошқа районлари ҳақида ҳам шундай гапларни айтиш мумкин.

Байрам кунларида сиёсий-тарбиявий, маданий ва маиший ишларга ҳам алоҳида аҳамият берилади. Тошкентнинг энг яхши лектор ва докладчилари Сирдарё областида бўлиб, турли темаларда лекция ва суҳбатлар ўтказадилар.

Шаҳар медицина ходимлари яхши ташаббус кўрсатдилар. Улар область хўжаликларида узоқ яшаш сирлари, сиҳат-саломатлик тўғрисида суҳбатлар ўтказишгина қолмай, кишиларнинг сиҳат-саломатлигини кўздан кечирадилар, уларга маслаҳатлар берадилар, тиббий ёрдам кўрсатадилар. Шунингдек областга маданият ва санъат ходимлари, бадиий ҳаваскорлик коллективлари ҳам бориб хизмат қиладилар.

Р. БОБОЖОНОВА,
Ўзбекистон КП Тошкент шаҳар комитетининг секретари.

Тошкентдаги экскаватор заводининг дурадгорлик бригадаси ҳар ойда 30—32 ётоқхона вагонлари ишлаб чиқармоқда. Суратда: [чапдан] Коммунистик меҳнат бригадаси аъзолари — илғор ишчилардан Н. Расулов, Перелигин, Н. Исамуҳамедов, В. Иялев, Ш. Исамуҳамедов ва А. Раҳимов ўртоқларни кўриб турибсиз.

А. Тўраев фотолари.

ФАКТЛАР... РАҚАМЛАР...

Тошкент шаҳри билан қишлоқ меҳнаткашларининг дўстлиги қадимдан бошланган. 1924 йилнинг охирларидаёқ Тошкентнинг 13 партия ташкилоти турли қишлоқларга ёрдам қўлини чўзган. Ҳозир деярли ҳамма корхоналар Сирдарё область хўжаликларига оталиқ ёрдами кўрсатмоқдалар.

* * *

1969 йилнинг 8 ойидагина шаҳарлик азаматлар дала меҳнаткашлари учун 12000 дан ортиқ трактор, 22000 дан кўпроқ прицеп, юзлаб «зангори кема», сеялка етказиб бердилар.

* * *

Пойтахтнинг биргина Куйбишев районида яшовчи 560 киши бу йил областга чиқиб, пахта териш машиналарини бошқариб, деҳқон дўстларига ёрдам берадилар.

* * *

«Ўроқ ва Болға» байрами кунларида Тошкент шаҳрининг 200 дан ортиқ лектори Сирдарё областида бўлиб, жойларда турли темаларда лекциялар ўқийдилар.

* * *

Байрам кунларида «Ўзбекфильм», кинохроника, Муқимий театри санъаткорлари, олий ўқув юртлари ва корхоналарнинг бадиий ҳаваскорлари Сирдарё область колхоз ва совхозларида ўз маҳоратларини намойиш қиладилар.

* * *

Область меҳнаткашларига хизмат кўрсатиш учун «Зангори экран» ва «Север» фабрикалари холодильник ва телевизорларни ремонт қиладиган 4 та махсус автомашина ажратди.

ҲАЁТБАХШ АНЪАНА

Кундалик турмушимиздан мустаҳкам ўрин олган янги анъаналардан бири «Ўроқ ва Болға» байрамидир. Бу байрам ишчилар ва деҳқонлар синфи ўртасидаги иттифоқнинг рамзий ифодаси бўлиб қолди.

Бу байрам улуғ сана — совет давлатининг асосчиси доҳиймиз В. И. Ленин туғилган кунинг 100 йиллик юбилейи олдидан ўтаётганлиги билан ҳам алоҳида аҳамият касб этади. Шу кунларда «Меҳнатдаги барча муваффақиятларимизни доҳий юбилейининг 100 йиллигига бағишлаймиз!» деган шиор билан астойдил меҳнат қилаётган Октябрь район меҳнаткашлари бу тантанали байрамга қизғин тайёргарлик жараёнида Тошкент ва Сирдарё области колхоз ва совхозларига бу йил етиштирилган мўл-кўл пахта ҳосилини нест-нобуд қилмай йиғиштириб олишда оталиқ ёрдами кўрсатиш учун янги резервлар излаб топишди ва ишга солишди. Масалан, Ўзбекистон трактор-йиғув, 10-авторемонт заводлари, 3-, 5-, 127-автомобиль парклари, биринчи автобаза ва «Средазэнергоцветмет» коллективлари қишлоқ хўжалик техникасини ремонт қилишга ёрдам бериш мақсадида бир қатор тадбирларни белгиладилар.

Ўтказилаётган ушбу қутлуғ байрам кунида районимизнинг ҳар бир коллективи қандай тадбирларни амалга ошириш ҳақида ўзининг конкрет планига эга. Оталиқ ташкилотларнинг вакиллари Сирдарё областининг Еттисой ва Киров районлари пахта далаларида бўлишади, фидокор деҳқонлар билан суҳбатлашади. Уларга эсдалик совғаларини топширадилар, ҳаваскорлар кучи билан концертлар беришади. Шу билан бирга шаҳардан борган меҳмонлар мезбонлар билан бу йилги пахта ҳосилини тез фурсатда нобуд қилмасдан йиғиштириб олиш учун берадиган ёрдамлари ҳақида ҳам улар билан маслаҳатлашиб олишади. Шаҳардан борган савдо ташкилотлари бевосита пахта далаларида бўлиб, теримчиларга маданий савдо хизмати кўрсатишади.

Шуни мамнуният билан таъкидлаш керакки, районимизнинг саноат корхоналарида, ташкилотларида, ўқув муассасаларида колхоз ва совхозларга оталиқ ёрдами кўрсатиш борасида катта тажриба ортирилди. Масалан, бадиий буюмлар фабрикаси, В. И. Ленин номидаги Тошкент Давлат университети, Тошкент политехника институти, қишлоқ хўжалик техникуми ва бошқа қатор ташкилотларда 100-150 килограмм ва ундан ҳам ошириб пахта терадиган чевар теримчиларимиз бор. Тошкент политехника институтининг талайгина студентлари ва кўпгина автобаза шофёрлари пахта терадиган машиналарни бемалол бошқара оладилар.

Районимиз меҳнаткашлари деҳқоннинг шаҳардаги мададкори эканлигларини жуда яхши англайдилар, оталиқ ташкилотлар бундан кейин ҳам кўрсатилган юксак ишончни шараф билан оқлаш учун астойдил ҳаракат қиладилар.

Бугун зўр тантана билан ўтаётган «Ўроқ ва Болға» байрами яратувчи ва ижодкор, меҳнатсевар ва камтарин ишчи ва деҳқонлар иттифоқини янада мустаҳкамлашга салмоқли ҳисса қўшиши шак-шубҳасиздир.

Т. СОДИҚОВ,
Тошкент шаҳар, Октябрь район партия комитетининг биринчи секретари.

МИРЗАЧЎЛ ШОДИЁНАСИ

СИРДАРЕ. [«Совет Ўзбекистони» махсус мухбири]. Сирдарё сийнасида катта шодиёна.

— Яшасин дунёда донм Ишчи-Деҳқон бирлиги...

Қаерга қараманг, қаерда бўлманг байрам кайфиятини, қайноқ қалбли одамларнинг меҳнатга ўч кайфиятини сезасиз.

Карл Маркс номли колхозда-миз. Раис, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Қодиркул Султонов янги ҳосил чўғини кўрмоқ учун далага таклиф этади. Пахта бодроқдек очилиб келяпти. Пайкалларнинг четида «зангори кема»лар саф тортиб турибди.

— Бу машиналарни Тошкент шаҳар Ленин районидаги «Узавторемонт» бирлашмаси коллективи созлаб берди, — дейди Қодиркул ака.— Кўли дард кўрмасин, ишчи оғаларимизнинг. Қачон керак бўлса ёрдамга шошилишади, эҳтиёт қисмларни ҳамиша етказиб беришади. Тағин бир неча кунлардан кейин транспорт жўнатишади. Улар ҳам худди биздек ҳосил тақдири учун қайғуришади, деҳқоннинг плани тезроқ тўлсин, деб кўлидан келганини аямайди.

Тошкент шаҳар ишчилар синфининг вакиллари кечгача колхозчиларнинг меҳмони бўлишади. Уларнинг кўпчилиги жума куни ўз дўстларига ташриф буюришган. Дам олиб, ҳордиқ чиқариб, пахта далалари билан танишиб, ўз уйларига қайтишади, деҳқонларга концертлар, кинофильмлар кўрсатишади, дилдан суҳбат қуришади.

Бугун бутун Сирдарё областининг кенг бағрида ишчи билан деҳқоннинг ажойиб байрами... Қўриқ ердаги ҳамма совхозларда, колхозларда дўстлик куйлари янграйди, икки синф — Ишчи билан Деҳқон ва улар орасидан етишиб чиққан зиёлилар ўз маҳоратларини, кардошлик ҳис-туйғуларини, одамийлик анъаналарини яна бир марта намойиш қиладилар.

С. ҚОДИРОВ.

ҚАДРДОНЛАР

Районимиздаги саноат, қурилиш, темир йўл транспорти корхоналари ва бошқа муассасалар қўриқ ерни ўзлаштираётган Пахтанор районидаги меҳнат аҳли билан самарали алоқалар ўрнатишган. Масалан, «Ташсельмаш» заводи ишчилари уларга юқори малакали кадрлар билан ёрдамлашяпти. Теним машиналарининг шпинделларини етказиб бермоқдалар.

Тошкент авиация заводи, Қўйлиқ ремонт-механика, 2—6-темир-бетон буюмлари заводининг ишчилари ҳам қишлоқ меҳнаткашларига салмоқли ёрдам беришяпти. Жумладан, «Ташкентдорстрой» ишчиларининг бир группаси «Пахтанор» совхози далаларида бўлишиб, совхоз слесарлари билан ремонт летучнаси ўтказишди, уларга зарур бўлган кўпгина запас қисмларни ҳадя қилишди.

Бугун зўр шодиёна билан ўтаётган «Ўроқ ва Болға» байрами кунида 30 дан ортиқ тошкентлик тилшунос, иқтисодчи ва тарихчи йирик олимларимиз пахтакорлар билан учрашадилар. Турли мавзуларда лекция ва суҳбатлар ўтказишади. Тошкент медицина ва фармацевтика институтининг бир группа шифокор-олимлари турли мавзуларда консультациялар беришади, «Сиҳат — саломатлик куни» ўтказишади. Радио ва телевидение Давлат комитетининг бир группа хонанда ва созандалари пахтазор ҳочинларига мароқли концертлар қўйиб беришади. Бугунги кундаги ушбу тантанага қатнашиш учун район ишлаб чиқаришининг илғорлари, рационализаторлар, Социалистик Меҳнат Қаҳрамонлари, олимлар, партия ташкилотларининг секретарлари ва санъаткорлар келишган. Жумладан, республика ишчиларининг фахри бўлган ветеран ишчи, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Мустақим Юсупов ҳам биз билан бирга келган. Меҳмонлар мезбонларга инки ўртадаги бузилмас дўстлиини ифодаловчи кўплаб рамзий совғалар олиб келишди.

Шаҳар ишчилари билан қишлоқ меҳнаткашлари ўртасида яқин, мустаҳкам, ўртоқлик, дўстона алоқаси ўрнатишни В. И. Ленин энг муҳим вазифа деб ҳисобларди. Бу, деб таъкидлаган эди Ильич, бизнинг вазифамиздир, ҳокимият тепасида турган ишчилар синфининг асосий вазифаларидан биридир. В. И. Ленин шаҳарнинг қишлоқни оталиққа олишига, ишчиларнинг деҳқонларни оталиққа олишига, шаҳар партия ячейкалари билан қишлоқ партия ячейкалари ўртасидаги алоқага айниқса катта эътибор берарди.

Ҳамза район партия ташкилотлари доҳий васиятига амал қилиб, пахтакорликлар билан давом этиб келаётган мустаҳкам дўстликни янада кучайтириш учун барча имкониятлардан оқилона фойдаланаверадилар.

Ғ. ПУЛАТОВ,
Тошкент шаҳар, Ҳамза район партия комитетининг биринчи секретари.

ҲАМЖИҲАТЛИК—ДАВЛАТ

ЖУРНАЛИСТ ЁН ДАФТАРИДАН

ЁДИМДА: Қува районидаги «Социализм» колхозида бўлганимизда ажойиб бир воқеани ҳикоя қилиб беришган эди.

1931 йил, куз. «Фордзон»нинг мазасига тушуниб қолган деҳқонлар, яна шундай «пўлат от»дан битта бўлса ишимиз юришиб кетарди, деб маслаҳат қилишди. Ўша вақтда Қувадаги «Октябрь» колхозини ташкил этган, хўжалик партия ячейкасининг котиби Абдурасул Мамарасулов ҳамда коллектив хўжалик жонкуярларидан Исоқжон Исмоилов, яна бир неча фаоллар трактор чиқадиган корхонанинг адресини топишди: «Ленинград шаҳри, «Красный путиловец» заводи. Улар совғага бир ваГон анорни олиб, завод қайдасан, деб йўлга тушишди.

Путиловчилар узоқ қуёшли ўлкадан келган меҳмонларни қадрдон жигарларидек кутиб олишди.

Меҳмонлар рус тилини ҳали билишмасди. Фақат бир киши шу сўзларни такрорларди:

— Ўроқ ва Болға, деҳқон ва ишчи — оғанини!

— Лекин биз бир-биримизни дилдан тўла тушунардик, — деб ёзади ветеран краснопутиловчи У. Каримов, — Деҳқонларга машина зарур эди. У даврда ҳар бир трактор алоҳида ҳисобда турарди. Улар Куйбишев ва Орджоникидзенинг кўрсатмаси билан тақсим қилинарди. Меҳмонларга қандай қилиб битта тракторни армуғон этсак экан-а? Тракторларни тарқатиш плани аллақачон тузилиб, тасдиқланган, уни бузиб бўлмайди. Шунда путиловчилар иккита «фордзон»ни ишдан ташқари вақтда тайёрлашга аҳд қилишди. Сергей Миронович Киров бу қарорни маъқуллади. Орадан кўп вақт ўтмай иккита трактор, бебаҳо совға Қува далаларида жавлон уради...

Ленинграддан қайтган меҳмонларни қабул қилган Ўзбекистон Марказий Ижроия Комитетининг биринчи раиси Йўлдош Охунбобоев шундай дейди:

— Сиз, ўзбеклардан биринчилар қатори Ленинградда бўлдингиз, пролетариат билан пахтакорнинг биринчи дўстлик кўпригини қурдингиз. Вақти келиб, бизлар ҳаз ҳам иноқ, тағин ҳам қадрдон дўст бўлиб кетамиз.

Бу башоратнинг тантанаси ҳозир ҳаммага аён.

Ун беш от кучига эга бўлган биринчи тракторни берган «Красный путиловец» корхонаси бугун қудратли универсаллар, турли машиналар ишлаб чиқарувчи С. М. Киров заводига айланган. «Октябрь» колхози-чи, ўзига бир неча баравар келадиган тўққиз хўжаликни бирлаштирган йирик механизациялашган хўжалик ҳисобланади.

Оталар қурган Ўроқ ва Болға, ишчи ва деҳқон дўстлиги кўпригини ўтган йиллар давомида барпо этилган янги-янги бўғинлар билан яна ҳам мустаҳкам, тағин ҳам бақувват бўлди.

Ўроқ ва Болға буюк Ленин даҳоси билан янада жиплашиб, ҳамжиҳат бўлиб, Ўзбекистоннинг ўзида қудратли техника ижодхонасини яратди. Бу кун Ўзбекистонда ишлаётган турли хил машиналар Москва, Ленинград, Урал техникаси билан ёнма-ён туриб, Совет Иттифоқидагина эмас, мамлакатимиздан ташқарида ҳам кишилар қалбига қувонч бағишламоқда.

Бу кун даврининг энг юксак мукофоти — Ленин мукофотига сазовор бўлган пахта териш машинаси ижодкорлари мисолида Ўроқ ва Болға — ишчи ва деҳқон дўстлигининг улкан самарасини, илм-фан кишилари билан ишчи ва колхозчи деҳқон синфлари ижодий, амалий ҳамкорлигининг қудратли яратувчилик кучини ёрқин кўрамиз.

— Биз бу ҳамкорликдан жуда кўп нарсани ютдик, — дейди пахта териш машиналарининг етакчи конструктори Павел Федорович Глазатов.— Ишонч билан айтиш мумкинки, агар ишчи ва деҳқон иттифоқдошларимиз бўлмаса, биз ҳозирги қолатдаги пахта териш машинасига эга бўла олмасдик.

Ўроқ ва Болға, деҳқон ва ишчи, илм-фан вакиллари ҳамжиҳат фикрининг меваси бўлган, деҳқонларимизнинг оғирини енгил қилган бу ажойиб машинанинг ихтиоридан беиҳоя ҳурсанд бўлган совет пахтакорлари ҳам унинг ижодкорларига чин юракдан ташаккур изҳор этмоқдалар!

Оталаримиз қурган илк дўстлик кўпригини, бугун камол топган, ҳеч қандай куч ажратолмайдиган қудратли дўстликни улуғлар экканмиз, унинг сарчашмасини очган, унинг мустаҳкам пойдеворини қурган буюк доҳиймиз В. И. Ленин сиймоси олдида икки қўлимизни кўксимизга қўйиб таъзим этамиз. Улуғ доҳиймизнинг ушбу ҳаётбахш сўзларини дилдан такрорлаймиз: «Совет ҳокимияти бизга ишчилар билан деҳқонлар иттифоқини берди. Унинг кучи ана шундадир. Муваффақиятларимиз ва узил-кесил ғалабамизнинг гарови ана шундадир...».

Советлар ҳокимиятининг ички ва ташқи душманларига қарши курашда, социализм ғалабаларини сақлаб қолиш ва мустаҳкамлашда, фашист босқинчиларини яксон қилишда, беш йилликларни зафарли якунлашда синовлардан ўтган, чиниққан В. И. Ленин тузган ишчи-деҳқон дўстлиги коммунизмнинг нурли чўққиларини сабот билан эгаллашда ҳам ўзининг енгилмас, қудратли кучини намойиш қилмоқда.

Инсониятнинг эзгу орзуси, коммунизм биносида ҳам — гербимизда, байроғимизда барқ уриб турган ишчи-деҳқон ягдиллигининг рамзи — Ўроқ ва Болға юксалишнинг янгиянги уфқлари сари чорлаб порлайди.

Расул РАҲМОНОВ.

Маҳаллий Советлар иш тажрибасидан

ШАРОИТ СОЗ БЎЛСА...

Йилнинг тўрт фасли ҳам пахтакордан ўзига ҳос жонбозлик талаб қилади. Асл деҳқон учун хотиржамликка бериладиган, бепарволикка эрк қўйдиган дам йўқ. Лекин фурсатлар ичра шундай фурсат бўладики, у пахтакордан ҳар қачондагидан кўра кўпроқ жонбозлик талаб қилади. Худди шундай ғайрат-шижоат кўрсатадиган фурсат етишмоқда. Саҳоватли деҳқоннинг қалб кўри билан йўғрилган «оқ олтин» пайкаллари ўз баргига чорламоқда.

Хўжалик раҳбарлари шу кунда ўзларига шундай савол бериб кўрсалар ўринли бўларди: «Деҳқонларга етарли маданий-маиший шароит яратилганми? Колхозчининг пахтадан бошқа ташвиши қолмадими?» Агар хўжалик раҳбарлари шу саволларга ижобий жавоб берсаларгина деҳқондан ҳиммат кутсалар ярашади.

Жиззах райсп Советининг маданий ва маиший савдо хизмати ҳамда доимий комиссиясига тажрибали депутат Убайдулла Тўрақулов бошчилик қилади. Яқинда доимий комиссиянинг йиғилиши шу куннинг долзарб масаласи—пахтакорларга қандай хизмат кўрсатилаётганлигини муҳокама қилди. Комиссия йиғилишига барча хўжаликларнинг раҳбарлари ҳам таклиф қилинган эди. Район Советининг депутати. Жданов номли колхоз раиси Йўлдош Тошпўлатов колхоз правлениеси ва қишлоқ Советининг кўмаги билан деҳқонларга юксак маданий-маиший шароитлар яратиб берилганлиги ҳақида дадил гапирди.

Раиснинг дадил гапирганига яраша далиллар ҳам бор. Сўнгги йилларда Жданов номли колхоз юксалиш поғонасига қадам қўйди. Колхоз айниқса дала шийпонлари қуришда ташаббускор бўлди. 17 та бригадада янги типдаги дала шийпоне қурилди. Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Саодат Санақулова бошлиқ бўлган бригада аъзолари ўз дала шийпоналрини ўзлари қурдилар дейиш мумкин. Қурувчилар келтирган бир қанча лойиҳа ларга ёқмади. Эътирозлар ўринли эди: «Бунинг кутубхонаси қани? Ошхона бу томонда бўлиши керак. Айвон сербар ва кенг бўлсин, шабада яхши эсадь» деб туриб олишди.

Колхозчилар дала шийпонидан кетмайди. Холодильник, телевизор, радиоприёмник дала шийпонида. Ҳар бир дала шийпонига қўйилган бильярд столини айтмайсизми! Озода, саранжом-саришта ошхонада кунига иссиқ овқат тайёрланади.

Райондаги «Москва» колхозининг доврўғи республикага таралганича бор. Доимий комиссия йиғилишида колхоз раиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Ҳамроқул Ота Носиров ҳаммага маъқул гапни айтди:

— Биз колхоз дам олиш уйини яратамиз. — деди раис. — Бунинг учун имкониятимиз етарли. Колхозимизнинг 40 гектарли боғи ҳар қандай дам олиш уйидан қолишмайди. Боғимизда биргина олманинг 17 хили қосил бермоқда. Бошқа меваларимиз ҳам ғарқ пишган. Меҳнатда алоҳида ўрнак кўрсатган колхоз аъзоларига 1-2 ҳафта ана шу боғда яраб дам олишини таъминлаймиз. Бригадаларга путёвкалар ғарқатдик.

Колхоз правлениеси, Охунбобоев қишлоқ Совети депутатларининг пахтакорларга кўрсатаётган ғамхўрлиги бу билан чекланмайди. Улар пахтакорларга бевосита дала бошида маданий-маиший шароит яратиш ва дала шийпоналрида деҳқоннинг кўнгли истаган ҳамма эҳтиёжини муҳайё қилиш учун жонбозлик кўрсатишмоқда.

Районнинг Навоий номли, Ҳамид Олимжон номли колхозлари ва Охунбобоев, Октябрь қишлоқ Советлари раҳбарларининг ҳам бу борадаги сўзлари асосли ва мазмунли бўлди. Улар раҳбардик қилаётган жойларда пахтакорларнинг маданий-маиший шароити кун сайин яхшиланиб боряпти. Лекин ҳамма хўжаликнинг раҳбарлари ҳам, бу борада иборатли ишлар қиляпмиз, деб айтиша олмайди. Масалан, Хайрабод қишлоқ Советига қарашли Ленин номли колхоз сурункасига план тўлдиролмай судралиб юрарди. Ўша йиллари колхоз раҳбарлари хўжаликда қандай етишмовчилик бўлса ҳаммасига иқтисодий камқувватликни важ қилиб кўрсатишарди Район партия ва совет ташкилоти хўжаликни тиклаш, малакали кадрлар билан таъминлаш масалаларини қўйди. Партия ташкилотларида ишлаб чиққан коммунист Нормурод Тўробов колхозга раис қилиб юборилди Хўжаликда ишни ташкил этиш, меҳнатга муносабат тубдан ўзгарди. Колхоз деҳқонлари янгидан 300 гектар ер очдилар. Сўнгги 3-4 йил ичида колхозда ҳосилдорлик 12 центнерга ортиб, гектар бошига 32 центнерга етди. Даромад ҳам шунга яраб ўсиб боряпти. Бироқ, колхоз раҳбарлари, негадир, пул топган билан ҳисобини тополмаяптилар. Пахтакорларга етарли маданий-маиший шароит яратиб берилмаяпти.

Шу қишлоқ Советига қарашли «Ўзбекистон» колхозига 8 йилдан буён Йўлдош Ҳайдаров раис. Лекин хўжаликда шу давр ичида бирон марта пахта плани бажарилмади. Колхоз раҳбарларининг қилаётган амалий ишидан кўра важ-баҳонаси кўпайиб кетди. Лекин улар бирон марта: «Деҳқонларнинг кўнглини ололмаяпмиз, чунки уларга етарлича маданий-маиший шароит яратиб беролмаяпмиз», деб рўй-рост тан олишмайди. Бу колхозда бironта намунали дала шийпонини учратмайсиз. Ваҳолонки, колхоз раҳбарлари неча йилдан бери янги дала шийпонлари қуришни ваъда қилиб келишади.

Район Советининг сессия ва мажлисларида ҳамда доимий комиссия йиғилишларида Ленин номли ва «Ўзбекистон» колхозларидаги бу турғун аҳвол ҳамда Хайрабод қишлоқ Советидаги бўшашувчилик муҳокама қилиниб конкрет вазифалар юкланди.

Район Совети доимий комиссияси ташаббуси билан район матлубот жамияти правлениеси ҳам пахта йиғим-терими даврида деҳқонларга савдо хизмати кўрсатишни янада яхшилаш учун катта тадбирлар белгилади. Жумладан, қишлоқлардаги 60 дан ортиқ магазин бевосита дала бошларида савдо қилади. 19 та новвойхона деҳқонлар ҳонадонига истаганча ширмон нонлар етказиб беради Дала шийпонларида 31 та сотувчисиз магазинлар ташкил қилинган бўлиб, пахтакорлар бу хизматдан жуда миннатдордирлар. Пахтакорлар хизматига ҳамма баробар бел боғлаган. Район шифокорлари, маиший хизмат комбинати усталари, кино процатчилар, кутубхоначилар ҳам бу хизматга ўз ҳиссаларини қўшмоқдалар. Ҳамма дала шийпонларида медицина аптечкалари бор. Шифокорлар деҳқонлардан ҳар куни хабар олиб туришади. 17 та махсус кўчма кино установкаси дала механткашларига гомошалар кўрсатмоқда. Маиший хизматнинг кўплаб гурлари бўйича бевосита дала шийпонларининг ўзида хизмат кўрсатилмоқда. Хуллас деҳқонлар дала шийпонида ўз уйларидаги каби ҳамма шароитга эга бўлишмоқда.

Жиззах район меҳнаткашлари улуғ Ленин юбилейини 38 минг тонналик «оқ олтин» совғаси билан қарши олишга астойдил бел боғлаганлар. Бу улкан вазифани шараф билан бажариш кўп жиҳатдан пахтакорнинг маданий-маиший шароитига боғлиқ. Деҳқоннинг шароити соз бўлса, кайфияти ҳам, иш унуми ҳам соз бўлади. Маҳаллий Совет депутатлари бутун эътиборни шуғна қаратмоқдалар.

А. НОРМУРОДОВ.
Жиззах район Совети ижроия комитетининг раиси.

Марсель Кашен туғилган кунга 100 йил тўлди

КОММУНИСТ, НОТИҚ, КУРАШЧИ

Ҳа, Советлар мамлакатининг буюк дўсти бу ажойиб инсон ана шундай эди. Франциядаги ишчилар ҳаракатининг актив қатнашчиси ва оташқалб ватанпарвар Марсель Кашен учун Октябрь революцияси чинакамига катта воқеа эди. У 1917 йилнинг апрель ойида Россияга қилган биринчи сафаридаёқ рус ишчилари, деҳқон ва солдатларининг тинчликка бўлган интилишларини кўрган эди. Бу сафар Марсель Кашенга рус революционерлари билан яқиндан алоқа боғлаши туфайли мамлакатда рўй берган ўзгаришнинг мазмунини тушуниб етишга имкон берди. Марсель Кашен ватанига қайтиб келгач ўз ўртоқлари — социалистларни «урушни тезроқ тугатиш учун рус революционерларига ёрдам бериш»га чақиради.

1917 йил, Октябрь. Сулҳ ҳақида, ерни деҳқонларга бериш тўғрисида декретлар. Бу хабарлар Марсель Кашенда ижодкор куч уйготади. Жамиятнинг ижтимоий қайта қурилиши унинг кўз ўнгида ҳақиқатга айланади. Шунинг учун ҳам Антантанинг империалистик доиралари томонидан Совет Россиясига қарши уюштирилган интервенция унда чўқур газаб уйготади. 1918 йилнинг 16 ноябрида у «Юманите»да шундай ёзади: «Ҳозирги шароитда чинакам социалист иттифоқчиларнинг бу мамлакатга қарши қуролли интервенциясини маъқуллашига ҳайрон қоласан киши» ..1919 йилнинг 24 мартида эса Кашен депутатлар палатаси минбаридан туриб Клемансо ҳукуматини унинг халқаро реакция бошида турганлиги учун, рус революциясини бўғишга интилаётганлиги учун қаттиқ қоралади.

1920 йилнинг июнида Марсель Кашен Россияга йўл олди. Бу сафар унинг ҳаётида катта бурилиш ясади. Рус пролетариатининг мардлигидан ҳайратланган, В. И. Ленин билан бир неча бор суҳбатлашиб унинг доҳолигига қойил қолган Марсель Кашен ўзини бутунлай революция ишига. Советлар мамлакатини ёқлаш ишига, франция-совет дўстлигини мустаҳкамлаш ишига бағишлайди.

Ўша йили социалистларнинг Тур шаҳрида бўлиб ўтган ва Франция Коммунистик партиясини тузиш тўғрисида қарор қабул қилган съездида Марсель Кашен алангали нутқ сўзлади. У Октябрь революциясининг «буржуазия ва капитализмдан озод бўлган ва ишчилар синфи ҳамда деҳқонлар вакилларининг қўли билан бошқарилаётган энг буюк мамлакат» учун аҳамияти ҳақида гапирди. У революцияни улуғлаб, бу тарихий ғалабанинг Франция, Европа ва бутун дунё учун таъсир этмасдан қолмаслигига катта ишонч билдиради. Сўзининг охирида Марсель Кашен: «Буржуазия ҳар қанча қутирмасин улуғ рус революцияси билан елкама-елка туриб ҳаракат қилишга бўлган бизнинг иродамизни бука олмайди» — деди. Унинг бу интилишлари Марсель Кашен фаолиятида ўз аксини топди. Оташқалб коммунист умрининг сўнгги йилларигача раҳбарлик қилган «Юманите» газетасида босилган ёрқин мақолаларида, минглаб йиғилиш ва митингларда сўзлаган нутқларида Франция билан СССР халқари миллий манфаатларининг бирлиги ҳақидаги ғояни олға сурди.

Октябрь революцияси, — дер эди Марсель Кашен, — тарихда биринчи бор ҳар бир кишининг, янги жамиятнинг ҳар бир аъзосининг маънавий ўсишига шароит яратиб берди. Жаҳон цивилизациясига қўшилган мана шу улкан хиссанинг ўзиёқ барча мамлакатларда зўр қувонч билан тан олинди.

СССРнинг Париждаги элчихонасида Кашенга Ленин орденини топшириш пайтида — унинг Франция билан Совет Иттифоқи халқлари ўртасидаги дўстликни мустаҳкамлаш ва ривожлантиришдаги хизматлари шу мукофот билан тақдирланган эди — гапира туриб Марсель Кашен айтган эди: «Француз халқи Улуғ Совет республикасининг чинакам иттифоқчиси эди ва ҳамиша шундай бўлиб қолади. Иккинчи жаҳон уруши пайтида Совет Иттифоқи берган қурбонлар туфайлигина инсоният нацизм тамғасидан ҳалос бўлганлигини биз ҳеч қачон унутмаймиз. Франция-совет алоқаларини мустаҳкамлаш биз учун бугунги кунда ҳам бутун дунёда тинчлик ишини сақлаш учун муҳим гаровдир». Бугунги кунда миллионлаб соф ниятли французлар ҳам ана шу сўзларни такрорламоқдалар.

Француз коммунистлари ажойиб ватандошлари ва содиқ ўртоқлари Марсель Кашен туғилган кунининг 100 йиллигини нишонлай туриб, у бошлаган курашни давом эттирмоқдалар. Бу курашнинг мақсади барча халқларнинг қардошлиги ва бахти учун хизмат қилади.

Виктор ЖОАННЕС,
Франция Коммунистик партияси Марказий Комитетининг аъзоси. АПН.

Марсель Кашен Коминтернининг VII конгрессида нутқ сўзламоқда.

ЭҲТИЁТ ЧОРАЛАРИ

ШИФОКОР МИНБАРИ

Ўлкамизнинг иссиқ шароити, ерларининг унумдорлиги ҳамда суғориш системасининг тараққиёти бир томондан турли экинлардан юқори ҳосил олиш имконини берса, иккинчи томондан кимёвий зараркунандаларнинг кўпайиши учун қулай шароит туғдиради. Ўргимчаккана, полиз канаси, илдиз кана, ўсимлик битлари, хашаротлар, вертициллиоз ва фузариоз илти ва бошқа зараркунандалар халқ хўжалигига катта зиён етказади. Фақат вертициллиоз вилтининг ўзи республикамизда ҳар йили бир неча минг гектаралаб пахтанинг нобуд бўлишига олиб келади. Бинобарин, чигитни саралашдан то пахта терилгача бўлган вақт ичида заҳарли кимёвий моддалардан фойдаланишга тўғри келади.

Пахта баргини сунъий тўкиш ёки ғўзани илдизгачга қуритиш мақсадида дефолиантлардан фойдаланилади. Кальций цианамид, азот цианамид, гексафтор, натрий, магний хлорид, кальций хлорофосфат-хлорид ва бутифослар ана шу дефолиантлар группасига киради.

Ҳозирги вақтда пахтачиликда заҳарли кимёвий моддаларни қўллаш ишлари асосан механизациялаштирилган. Авиация билан ғўзаларга дори ёпишнинг нафи жуда каттадир.

Кальций цианамид, эркин цианамид сувда яхши эрийди. Иккала модда ҳам, агар эҳтиёт бўлинмаса, одам организмига юқори нафас йўллари ва тери орқали, кўзнинг оқи ва ошқозон-ичак йўли орқали кириши ва «цианамид касаллиги» деб аталадиган заҳарланиш ҳасталигига йўлиқтириши мумкин. Бунда одамнинг бутун танаси қизиб, эти увишиб, кўнгли айнийди. Умумий беҳузурлик билан қўркиш ҳиссиётлари ҳам пайдо бўлади. Гексафтор, натрий-магний хлорат, кальций хлорат-хлорид, бутефос ва пентахлорфенол моддалари ҳам кишилар саломатлиги учун зарарли бўлиб, ундан сақланиш чораларини ҳамма яхши билиб олиши керак.

Дефолиантлар билан иш олиб бораётган вақтда одам ўзини ёмон сезса, ёҳуд заҳарланиш касаллигининг илк белгиларини пайқаб қолса, дарҳол врачга мурожаат қилиши зарур. Саломатлиги ёмон киши заҳарли кимёвий моддаларни қўллашда ишламаганги маъқул. Бу масъулиятли соҳада ҳавфсизлик қоидаларини яхши биладиган, ёши 18 дан кам бўлмаган ва 55 дан ошмаган шахсларгина ишлаши керак.

Ўспиринларга, ҳомиладор ва эмизикли аёлларга ҳамда қарияларга бу заҳарли кимёвий моддаларни ишлатиш руҳсат этилмайди. Чунки 18 ёшга тўлмаган ёшларнинг гаҳа қурилиши мукаммал бўлмай, ўткир моддаларга чидамсизлиги оқибатида заҳарланиб қолиши мумкин.

Дефолиация вақтида махсус коржома-резина этик, қўлқоп кийиш ва кўзойнак тақиб олиш лозим. Оғиз бурунни эса респератор билан ҳимоя қилиш зарур. Коржома ҳар хафтада ювилиши керак. Уни уйга кийиб бориш мутлақо тақиқланади. Коржома аввал кир содасидан тайёрланган эритмада ивитилиб, сўнгра тоза сувда яхшилаб қайта-қайта чайилади. Коржомаларни ювишда хлорли охак моддасидан ҳам фойдаланса бўлади.

Агар бирор киши турли сабабларга кўра заҳарланиб қолгудек бўлса, юқорида айтиб ўтганимиздек, дарҳол врач чақириш керак. Врач келгунча беморнинг ошқозонини ювиш тавсия этилади. Бунинг учун унга бир неча стакан сув ичириш, сувга эса бир чой қошиқ сода солиш лозим. Ошқозондаги заҳарли моддаларнинг кучини қирқиш учун беморга 1-2 чой қошиқ миқдорида активлаштирилган кўмир ёҳуд корболен қўшилган сув ичириш зарур. Заҳарли моддалар терига тушса, дарҳол 5 процентли нашатир спирти эритмаси билан артиш ва сув билан ювиш керак. Заҳарли кимёвий моддалар кўзга тушсачи? Унда кўзни 2 процентли сода эритмаси билан, сўнгра тоза сув билан ювиш лозим. Кейин 30 процентли албуциддан 2 томчи томизилади.

Шунга кўра аҳолини, шунингдек қўшни участкаларда ишлаб турган кишиларни заҳарли кимёвий моддалар сепилишидан бир кун олдин бу ҳақда, албатта, огоҳлантириш керак. Дори сепилган жойга эса «Диққат! Бу майдонга заҳарли кимёвий моддалар сепилган!» деб ёзилган белги ўрнатиб қўйиш зарур.

Шахсий гигиена қоидаларига амал қилиш, заҳарли кимёвий моддаларни ташишда, сақлашда эҳтиёт чораларига эътибор бериш, карантин вақтига қатъий бўйсуниш, дефолиация даврида дори сепиладиган майдон билан яшайдиган масофа оралиғини нормал тутиш, оқар сувларни заҳарли кимёвий моддалардан асраш — кишиларни заҳарланиш касаллигидан сақлашнинг асосий йўлидир.

О. АЗИЗХУЖАЕВ,
республика санитария маорифи уйининг бош врачи, медицина фанлари кандидати.

БИБИЖОН Файзуллаевани урганчликлар «қизлар сардори» дейишади. Бу бежиз эмас. Бибижон бу йил «Ўзбекистон» маркали агрегат билан 350 тонна «оқ олтин» термоқчи. Суратда: Бибижон Файзуллаева.

И. Исмонлов фотоси.

ТАЖРИБА АЛМАШТИРИЛМОҚДА

18 сентябрда Тошкентда очилган кенгаш Невинномисск химия комбинатининг минерал ўғитларни кўпроқ ишлаб чиқариш соҳасидаги тажрибасини ўрганиш ва ёйишга бағишланди. Кенгашда Ўрта Осиё республикалари, Қозоғистон, Кемерово ва Иркутскдаги корхоналарнинг раҳбарлари ва партия ташкилотларининг секретарлари илмий лойиҳалаш ва конструкторлик ташкилотлари, химия машинасозлиги заводларининг вакиллари қатнашмоқдалар.

СССР Химия саноати министрининг ўринбосари В. Е. Коваль минерал ўғитлар ишлаб чиқаришни кўпайтиришда Невинномисск комбинати коллективи қўлланаётган усуллар тўғрисида ёхборот берди.

Кенгашда КПСС Марказий Комитети химия бўлими мудирининг ўринбосари А. И .Севцов, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосарлари С. К. Знёдуллаев, А. Р. Ҳўжаев, СССР Госплани раисининг ўринбосари А. Я. Рябенко, СССР Химия машинасозлиги министрининг ўринбосари А. В. Курамжин, иттифоқдош республикалар Компартиялари Марказий Комитетлари ва область партия комитетларининг бўлим мудирлари қатнашмоқдалар. (ЎзТАГ).

ҲАММА ДАЛАДА

«Ўзбекистон» совхози Қарши чўлининг қоқ ўртасида жойлашган. Коллектив бу йил биринчи марта пахта етиштиряпти. Илгари чорвачилик билан шуғулланиб келган одамлар «оқ олтин» етиштириш «сир»ларини ҳам ўрганиб олишди. Натижада тўқиизта бригаданинг ҳаммасида мўл ҳосил етиштиридли.

Шу кунларда ҳамма далага отланган. Б. Ризаева, С. Рўзибоева, Э. Рўзибоева, Р. Бешимова, И. Маматқулова каби чеварлар кунда 140-160 килограммдан пахта теріб хирмонга барака қўшмоқдалар. Совхоз бўйича эса ҳар куни 6-7 процент миқдорида пахта тайёрланаётир.

Собиқ чўпон Б. Айтматов бошчилик қилаётган бригада пахта топшириш йиллик планини 90 процентдан ошириб юборди. З. Йўлдошев, Х. Норбоев, Р. Саидов ўртоқлар бошлиқ бригадалар ҳам плани бажариш арафасида туришибди.

Механизаторлар 500 гектар майдондаги пахтани машинада теріб олишмоқчи. Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, Сурхондарё областидаги «Советобод» совхозининг комплекс механизациялашган бригадаси бошлиғи Шоймардон Қудратовнинг «Механизатор, жасорат кўрсат» деган чақириғига қўшилган механик-ҳайдовчилар ҳадемай машина теримини бошлаб юборадилар.

Совхоз 15 октябрга қадар 2500 тонна пахта, сотиб, социалистик мажбуриятини бажаради. Бунинг учун ҳамма имкониятлар бор.

П. ГАДОЕВ,
«Совет Узбекистони» мухбири.

ЖУРНАЛЛАРНИНГ ЯНГИ СОНЛАРИДА

«ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИ»

Журналнинг сентябрь сони босмадан чиқди. Унда КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Л. И. Брежневнинг «Коммунистик ҳаракат янги юксалиш палласига қадам қўйди» сарлавҳали мақоласи босилган.

Журналнинг «Ленин лекторийси» бўлимида философия фанлари кандидати М. Нурматовнинг «В. И. Ленин диалектик логика принципларга тўғрисида», тарих фанлари кандидати Ч. Абутолиповнинг «Тинчлик ва бир-бирини тушуниш манфаатлари йўлида» сарлавҳали мақолалари ёритилган.

Журналнинг «Партия турмуши» бўлимида эса Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети пропаганда ва агитация бўлими мудирининг ўринбосари В. Снзранцевнинг «Ленин назарий меросини пропаганда қилиш гаҳрибаси» сарлавҳали мақоласи берилган.

Булардан ташқари, Ўзбекистон КП Бухоро область комитетининг секретари У. Камоловнинг «Интелегенциянг гоявий жиҳатдан чиниқтирайлик», «Ўзбекистон КП Қашқадарё область комитети пропаганда ва агитация бўлимининг мудири И. Усмоновнинг «Ленинча интернационализм ғоялари — оммага» сарлавҳали мақолалари ҳам журнал саҳифасидан ўрин олган.

Шунингдек журналнинг «Идеология иши ва турмуш», «Экономика, ишлаб чиқариш, меҳнат», «Қардош социализм мамлакатларида» бўлимларида ҳам кўпгина қизиқарли материалларни ўқиш мумкин.

МЕҲРИБОН ҚАЛБЛАР

Заркокил қуёшдай нур сочиб
турган,
Чаманлар оралаб қувониб
юрган,
Номи инсонликда тантана
қурган,
Меҳрибон оналар — умр
қуёши,
Юраги бир жаҳон, нур тўла
бошм.
Қора сочларида оппоқ-оппоқ
ой,
Меҳр дарёсидай саҳий сийна,
қўл,
Юракдан айтадк: «Болам, омон
бўл!»
Меҳрибон оналар — умр
қуёши,
Юраги бир жаҳон, нур тўла
бошм.
Ватаннинг номи ҳам она аталур,
Ҳаёт боғларида таралади нур.
Инсон онасини улуғлар магрур,
Меҳрибон оналар — умр
қуёши,
Юраги бир жаҳон, нур тўла
бошм,
Меҳри жўшиб турар ғўзал
эрталаб,
Фарзанди бошини силаб,
эркалаб,
Ёшлик кулгисига мойил бўлур
лаб,
Меҳрибон оналар—умр қуёши,
Юраги бир жаҳон, нур тўла
бошм.
Қўлида ҳилпирар тинчлик
байроғи,
Илҳомбахш, мусаффо она
қучоғи,
Мангу яшнайверсин яратган
боғи,
Меҳрибон оналар—умр қуёши,
Юраги бир жаҳон, нур тўла
бошм.
Ҳар нарсада оқил, маъно
сўзида,
Эртанинг ишончи порлар
кўзида,
Лола очилгандай равшан юзида,
Меҳрибон оналар—умр қуёши,
Юраги бир жаҳон, нур тўла
бошм.
Заркокил қуёш каби нур сочиб
турган,
Чаманлар оралаб қувониб
юрган,
Номи инсонликда тантана
қурган
Меҳрибон оналар—умр қуёши.
Юраги бир жаҳон, нур тўла
бошм.

Юсуфжон ҲАМДАМ.

ДОҲИЙГА ҲАЙКАЛ

Улуғ сана — Ленининг 100 йиллик юбилейини муносиб кутиб олиш учун тайёргарлик қизғин давом этмоқда. Қорақалпоғистоннинг Амударё районидаги Мангит қишлоғида ҳам бу борада ҳайрли иш қилинди. Яқинда қишлоқ марказ — «Ёшлик» кинотеатри олдида ўрнатилган В. И. Ленин ҳайкалининг очиш маросими мангитликларда катта таассурот қолдирди.

Шунингдек, районнинг Ленин номли колхозида ҳам доҳийга атаб ҳайкал ўрнатилди.

С. ХУЖАНИЕЗОВ,
С. МАТЧОНОВ.

СПОРТ янгиликлари

ҒОЛИБЛАРГА ЕРЛИҚЛАР

Тошкент областининг Оржоникидзе районида жойлашган «Қизил Ўзбекистон» колхозида спортчилар ва мутахассислар йиғини бўлиб ўтди. Бунда «Пахтакор» командаси аъзолари М. И. Янушин бошчилигида иштирок этди. Мажлисда физкультура ва спорт бўйича эришилган ютуқ ва камчиликлар қайд қилинди. Навбатдаги вазифалар борасида ўзаро фикр алмашинилди Кейин Москвада бўлиб ўтган касаба союзларининг Бутуниттифоқ IX спартакиадасида юқори натижаларга эришган колхоз спортчиларига «Пахтакор» кўнгилли қишлоқ спорт жамияти марказий Советининг Фахрий ёрлиқ ва совғалари топширилди.

ЯНГИ ФАКУЛЬТЕТ

Сурхондарё областида физкультура ва спорт йил сайин оммавий тус олмоқда. Термизда бундан икки йил аввал жисмоний тарбия билим юрти очилган эди. Бу йил шу билим юртини 78 киши битириб чиқди. Областда физкультура ва спорт харакатининг тобора яхшиланаётганини ҳисобга олиб, кўпроқ спорт мутахассислари етиштириш мақсадида Термиз давлат педагогика институти қошида жисмоний тарбия факультети очишга қарор қилинди. Ҳозир ана шу янги факультетда 50 студент — бўлажак тренерлар, судьялар ва ўқитувчилар спортнинг енгил атлетика, гимнастика ва бошқа турлари бўйича таълим олмоқдалар.

ШАҲАР БИРИНЧИЛИГИ УЧУН

Пойтахтдаги «Старт» ва «Тўқимачи» стадионларида волейболдан шаҳар биринчилиги учун кураш қизғин давом этмоқда. Мусобақада 10 хотин-қиз ва 9 эркак команда лари қатнашмоқдалар. «Тўқимачи» стадионида ўтаётган йиғитлар мусобақасида «Локомотив» ва жисмоний тарбия институти командалари ҳозирча ғолиблик қилишаётган бўлса, «Старт» стадионидаги аёллар баҳсида «Спартак» ва «Старт» командалари пешқадамлик қилиб, биринчилик учун даъвогар бўлиб турибдилар.

БУГУН ВАРШАВАДА

Польшанинг пойтахти Варшавада огир атлетикачиларнинг жаҳон ва Европа биринчилиги учун кураш мусобақалари бошланади. Йил сайин оммавий тус олаётган спортнинг мазкур тури бўйича ўтказилган 1966 йилги Берлин чемпионатида жами 28 мамлакатдан келган полвонлар ўзаро куч синашган эдилар. Бу йилги чемпионатда қатнашувчи мамлакатлар 40 дан ортиқ бўлиши кўзда тутилган. Ҳозирча СССР терма командаси энг кучли рақиб бўлиб, спортчилар орасида «биринчилик уларда кетади» деган шоз-шувларга сабаб бўлмоқда. Уларнинг фикрича иккинчи совриндор ўринлар учун Польша ва АҚШ спортчилари даъвогарлик қилишлари керак.

ХАБАРЛАР, ВОҚЕАЛАР, ЯНГИЛИКЛАР

ПЛАНЕТАМИЗДА

ЧЕХОСЛОВАКИЯ КОММУНИСТЛАРИНИНГ ИРОДАСИ

ПРАГА, 18 сентябрь. (ТАСС). Чехословакия шаҳарлари, районлари ва айрим корхоналарининг партия ташкилотларида партия активларининг йиғилишлари бўлиб ўтмоқда. Коммунистлар мамлакатнинг ички сиёсий аҳволини муҳокама қилиб, Чехословакия Коммунистик партиясининг сиёсатини ва партия раҳбарлигини тамомила қўллаб-қувватламоқдалар.

Трутновдаги район активларининг йиғилишида Чехия Социалистик республикасининг ички ишлар министри Й. Грессер нутқ сўзлади. У шу йил август ойида мамлакатнинг бир қанча шаҳарларида реакция ташкил этган контрреволюцион ҳаракатларга тўхталиб айтдики, Чехословакиядаги контрреволюцион группаларнинг фаолиятига чет элдан туриб раҳбарлик қилинганлигини исботловчи ҳужжатлар министрликнинг ихтиёрида бор. Министр мамлакат ҳаётининг турли соҳаларида партиянинг раҳбарлик ролини мустаҳкамлашни, экономика ишини яхши йўлга қўйишни, ўнг оппортунистик унсурларга қарши курашни коммунистлар олдида турган ва яқин вақт ичида ҳал қилиниши лозим бўлган вазифалар деб атади. Актив йиғилишининг Чехословакия Компартияси Марказий Комитетига йўллаган резолюциясида Трутнов коммунистлари Чехословакия Коммунистик партиясининг сиёсатини батамом қўллаб-қувватлашларини айтдилар.

Шимолий Чехия областидаги кекса коммунистларнинг йиғилиши Уст-Лаба шаҳрида бўлиб ўтди. Чехословакия Компартияси Марказий Комитетининг аъзоси В. Нови ва область партия комитетининг биринчи секретари А. Крчек партияда танглик рўй берганлигининг оқибатлари ва бу аҳволдан қутулиш йўллари ҳақида гапирдилар. Йиғилишнинг ЧКП Марказий Комитети номига йўллаган резолюциясида бундай дейилади: «Биз, коммунистлар партиямизни тузишда қатнашган коммунистлар партиясининг айрим кишилар партияда, ҳукуматда, хўжалик органларида ёки жамоат ҳаётида қандай мансаб ва лавозимларни эгаллаб келганликларига қарамай уларнинг ўнг оппортунистик тенденцияларига қарши изчил ва кескин кураш олиб боришни талаб қиламиз». «Йиғилиш қатнашчилари резолюциянинг пировардида партия н и н г ЧКП Марказий Комитети биринчи секретари Г. Гусак бошчилигидаги ҳозирги раҳбарлигини тўла равишда қўллаб-қувватлаймиз ва ўзимизнинг бутун кучимизни социалистик Чехословакияни равнақ топириш йўлидаги курашга сарфлаймиз, деб Чехословакия Компартияси Марказий Комитетини ишонтирдилар.

Кекса коммунистларнинг Уст-Лабадаги йиғилиши билан бир вақтда Шимолий Чехия области мактаблари ва ҳунар билим юртлари ходимларн активининг йиғилиши бўлди. Йиғилишда Чехословакия Компартияси Марказий Комитети мактаблар, фан ва санъат бўлимининг мудири Й. Седлак сўзга чиқди. Ёшларнинг тарбиячиларидан олти юздан ортиқ киши ҳозирги шароитда болалар ва ўсмирлар билан ишлашга доир энг муҳим масалаларни муҳокама қилиб, резолюция қабул этдилар. Резолюцияда бундай дейилади: «Биз мактабларимизнинг айрим ўқувчилари онгида пайдо бўлган хатолар ва адашишларни имкони бор қадар тезроқ тузатиш учун ўз зиммамиздаги масъулиятни жуда яхши англаймиз. Биз ўқувчиларимизнинг онгига таъсир қилиш учун қатъият билан сиёсий кураш олиб боришга тайёрмиз». «Татра — Копшивнице» заводи партия активларининг йиғилиши партиянинг мамлакатдаги аҳволини мустаҳкамлашга, жамиятда ва давлатда Чехословакия Компартиясининг раҳбарлик ролини кучайтиришга, социалистик ҳамдўстлик мамлакатлари билан ва аввало Совет Иттифоқи билан интернационал алоқаларни янада ривожлантиришга қаратилган сиёсатини тўла-тўкис қўллаб-қувватлаймиз, — деб Чехословакия Коммунистик партияси Марказий Комитетини ишонтирдилар.

ЖАНУБИЙ ВЬЕТНАМДАГИ ЖАНГЛАР

ХАНОЙ. Халқ Озодлик қуролли кучлари Жанубий Вьетнамнинг бутун территориясида Америка агрессорларининг қўшинларига қарши ва уларнинг гумашталарига қарашли қўшинларга қарши жанговар ҳужум операцияларини кучайтирмоқдалар. Жанубий Вьетнам халқ Озодлик қуролли кучлари қисмлари душманнинг ҳарбий базаларига, аэродромларига ва муҳим таянч пунктларига кўкқисдан ҳужум қилиб ҳамда уларни тўпга тутиб, стратегик йўлларда ва сув йўлларида пистирмалар қурмоқдалар ва душманнинг аскарлари ҳамда техникасига катта талафот етказмоқдалар.

Вьетнам информация агентлиги Озодлик матбуот агентлигининг маълумотларига асосланиб, қуйидагиларни хабар қилади: Жанубий Вьетнам ватанпарварларининг бўлинмалари 11 ва 12 сентябрда Митхо вилоятида Америка — Сайгон қўшинларининг ўттиздан ортиқ позициясига ҳужум қилдилар. Дастлабки маълумотларга қараганда, душманнинг 480 солдати ўлдирилган ва ярадор қилинган. Бундан ташқари, ватанпарварлар 22 ҳарбий машинани яксон қилдилар ёки шикастлантирдилар ва 3 вертолётни уриб туширдилар.

Жанубий Вьетнам ватанпарварлари 5 сентябрда ана шу вилоятдаги муҳим стратегик йўлларда ҳарбий операциялар ўтказиб, Америка — Сайгон қўшинларининг 200 га яқин ҳарбий хизматчисини сафдан чиқардилар.

Ватанпарварлар Кантхо вилоятида 3 сентябрдан 6 сентябргача олиб борилган шиддатли жангларда душманнинг 800 дан ортиқ солдат ва офицерини сафдан чиқардилар.

Халқ Озодлик қуролли кучлари жангчилари Куангда вилоятининг Дайлок ва Хоакам районларида 4 сентябрдан 7 сентябргача олиб борилган жанг вақтида душманнинг 500 га яқин солдат ва офицерини, шу жумладан америка ҳарбий хизматчиларидан 300 кишини ўлдирдилар ёки ярадор қилдилар.

Халқ Озодлик қуролли кучларининг Куангнам вилоятида ҳаракат қилаётган бўлинмалари 2 сентябрдан 11 сентябргача олиб борилган жангларда душманнинг ҳарбий хизматчиларидан 300 дан ортиқ кишини ўлдирдилар ёки ярадор қилдилар, 14 танкни ва кўп миқдордаги ҳарбий техника ҳамда қурол-яроғларни яксон қилдилар.

Ватанпарварлар 15 сентябрда АҚШ денгиз пиёда аскарларининг Куангчи вилоятидаги 3-дивизияси позицияларига, Лонган вилоятида АҚШ 9- пиёда аскарлар дивизияси, Ўхузаумот вилоятида Америкининг 1-пиёда аскарлар дивизияси, Биньтхуан вилоятида АҚШнинг 101-ҳаво-десант дивизияси позицияларига ҳужум қилдилар.

Халқ Озодлик қуролли кучлари 16 сентябрга ўтар кечаси душманнинг 29 ҳарбий объектини ,шу жумладан АҚШ 101-ҳаво-десант дивизиясининг Тхиатхиен вилоятидаги артиллерия базасини, Америка 1-автомобиль дивизиясининг Тайнинь вилоятидаги Фукхионг яқинида жойлашган артиллерия базасини ва бошқа объектларни ўққа тутдилар. Американинг 108 ҳарбий хизматчиси сафдан чиқарилди.

Сурия Араб Республикаси ёш авлод тарбиясига катта аҳамият беряпти. Мамлакатда кўплаб интернатлар, болалар боғчалари ёшлар ихтиёрида. Суратда: Дамашқдаги болалар боғчаларидан бирининг кичкинтойлари сайр қилишмоқда. Б. Миронов фотоси. (ТАСС).

Ангола ватанпарварлари Португалия мустамлакачиларига қарши курашни авж олдирмоқдалар. Суратда: жанговар операция олдидан ҳаракат плани муҳокама қилинмоқда. ТАСС фотохроникаси.

ИНДИРА ГАНДИНИНГ МАТБУОТ КОНФЕРЕНЦИЯСИ

ДЕҲЛИ, 17 сентябрь. (ТАСС). Ҳиндистон бош министри Индира Ганди Деҳлида ўтказилган матбуот конференциясида бундай деди: ҳукумат белгиланган янги иқтисодий сиёсат «қатият билан самарали равишда амалга оширилаверади». Мамлакатдаги 14 та энг йирик банкнинг национализация қилинганлиги ана шу сиёсатни амалга ошириш соҳасидаги биринчи тадбир бўлди. Индира Ганди бу сиёсатни муваффақиятли суратда амалга оширмоқ учун ядро аппаратини яхшилаш зарур, деб таъкидлади.

СОЦИАЛИЗМ МАМЛАКАТЛАРИДА

ПОЛЬША

◆ ВАРШАВА. Польшанинг энг йирик химия комбинатларидан бири — Бжег-Дольний шаҳридаги «Рокита» комбинати 120 хил маҳсулот ишлаб чиқармоқда. Комбинат маҳсулотидан фармацевтика, кемасозлик саноатида, оғир ва енгил саноатда, бўёқ ва лак ишлаб чиқаришда, энергетика ва қишлоқ хўжалигида кенг фойдаланилмоқда. Комбинат чет элларга — СССР, Чехословакия, Болгария, АҚШ, Англия, Франция ва Ҳиндистонга йил сайин кўп маҳсулот юбормоқда.

ЧЕХОСЛОВАКИЯ

◆ БРАТИСЛАВА. Словакияда сал кам уч минг гектар майдонга буғдой экилади. Бу майдонларга буғдойнинг энг юқори ҳосилли навлари экилмоқда. Ана шу навлар орасида «Мироновская», «Безостая», «Белоцерковская» деган совет навлари катта ўрин олади. Селекция станциялари давлат хўжаликлари ва кооперативлари учун уруғлик етказиб бермоқда.

Шарқий Словакия областидаги Ганиска селекция станцияси маҳаллий буғдой навларини етиштириш соҳасида катта ишларни олиб бормоқда. Станция ходимлари «Диана-11» ва «Диана-111» навли буғдой экиб яхши натижаларга эришдилар. Селекционичилар сули — буғдой гибридига катта умид боғламоқдалар. Словакиянинг турли районларидаги тажриба далаларида бу экиндан рекордли ҳосил — гектар бошига ўрта ҳисобда сал кам 60 центнер ҳосил олинди.

ВЕНГРИЯ

◆ БУДАПЕШТ. Венгрия пойтахтида очилган совет тракторлари ва қишлоқ хўжалик машиналари виставкаси ёпилди. Бу виставка ўн кун очиқ турди. Виставка қутилганидан зиёд яхши натижа берди. Венгрия мутахассислари ва қишлоқ хўжалик ходимларидан ўн мингдан ортиқ киши виставкага қўйилган 60 хил совет қишлоқ хўжалик машиналари билан таништилар. Бир ярим мингга яқин киши Совет Иттифоқида қишлоқ хўжалик машинасозлиги соҳасида эришилган муваффақиятлар ва қишлоқ хўжалик машинасозлигини бундан буён ривожлантириш йўллари тўғрисида бир қанча лекция тинглади.

Виставкада қишлоқ хўжалик машиналари ва асбоб-ускуналарини Венгрияга етказиб бериш тўғрисида бир қанча битимлар тузилди. [ТАСС].

ЯНГИ ИҒВОГАРЛИКЛАР

ҚОҲИРА, 18 сентябрь. (ТАСС). Исроил самолётлари кеча Бирлашган Араб Республикасининг осмон чегарасини ёриб ўтиб Рас Заъфарон районида (Сувайш қўлтиғи) Миср қисмларининг позицияларига ҳужум қилди, бироқ Бирлашган Араб Республикаси қуролли кучлари зенит артиллериясининг шиддатли ўт очганлиги натижасида агрессорлар жуфтакни ростлаб қолишга мажбур бўлдилар.

Бирлашган Араб Республикаси ҳарбий қўмондонлиги вакилининг айтишича қараганда, Исроил қўшинларининг ағвогарлик ҳаракатлари натижасида Деверсуара, Исмоилия ва Кантара районида Сувайш канали орқали бошланиб кетган артиллерия отишмасидан сўнг Исроил самолётлари ана шундай бостириб кирган. Миср ликлар талафот кўрганлари йўқ.

Бирлашган Араб Республикаси ҳарбий қўмондонлигининг вакили Миср артиллерияси Исроил ҳарбийларининг хуружларига жавобан маҳаллий вақт билан соат 10.00 да Исроилнинг Деверсуарга қарши турган позицияларини тўпладан қаттиқ ўққа тутганлигини ҳам айтди.

АММОН, 18 сентябрь. (ТАСС). Исроил Иордания билан Исроил ўртасидаги ўт очиш тўхатилган чизиқда ағвогарлик қилишни давом эттирмоқда. Исроил самолётлари Тивериад кўлидан 12 километр шимолдаги (Иордан водийсининг шимолий қисми) Махадат ан-Нухан районида кеча Иордания армияси позицияларига ҳужум қилди, — дейилади Иордания ҳарбий қўмондонлигининг ахборотида.

Ҳужум вақтида Исроил самолётлари напалм бомбаси ишлатдилар. Иордания армияси талафот кўргани йўқ.

Редактор ўринбосари Ж. ЖАББОРОВ.

ЗАНГОРИ ЭКРАНДА

Тошкент телестудиясининг ҳафталик программаси

22 СЕНТЯБРЬ, ДУШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

18.30 — Кўрсатувлар программаси.

Рус тилида: 18.35 — Телеянгиликлар, 18.50 — «Советский воин» тележурнали, 19.50 — Кўрсатувлар программаси.

Ўзбек тилида: 19.55 — Телеянгиликлар, 20.10 — Пахтакорлар учун: «Санъат ва сифат», 20.30— «Пижама кийган учувчилар» (телефильмнинг биринчи серияси), 21.45 — «Фан» телепрограммаси, 22.20 — Телетеатр: В. Смирнова — Ракитина. «Абу Али ибн Сино» (телеспектакль иккинчи қисмининг премьераси).

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

11.00 — Ўқув кўрсатувлари программаси. 12.55 — Москва кўрсатади, 18.50 — Тошкент кўрсатади.

УЧИНЧИ ПРОГРАММА

18.00 — Душанба кўрсатади.

23 СЕНТЯБРЬ, СЕШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

12.55 — Москва кўрсатади, 18.30 — Тошкент кўрсатувлари программаси.

Рус тилида: 18.35 — Телеянгиликлар, 18.50 — Ленинизм — амалда: «Наманган қишлоқлари нур қўйнида», 19.20 — Кино ҳақида суҳбатлашамиз.

Ўзбек тилида: 20.25 — Телеянгиликлар, 20.40 — «Ёшлик» студияси кўрсатади: «Ғазалхон ёшлигим», 21.25 — «Пижама кийган учувчилар» (телефильмнинг иккинчи серияси), 22.30 — Ўзбек классик куйлари.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

Ўзбек тилида: 18.30 — «68-йилги Рим кўргазмаси» (кинофильм).

Рус тилида: 18.40 — «Ердаги уйим» (телефильм), 20.00 — Москва кўрсатади.

УЧИНЧИ ПРОГРАММА

20.00 — Тошкент кўрсатади.

24 СЕНТЯБРЬ, ЧОРШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

18.30 — Кўрсатувлар программаси.

Ўзбек тилида: 18.35 — Телеянгиликлар, 18.45 — Ленинча меҳнат вахтасида, 19.00 — Футбол бўйича СССР биринчилиги «Пахтакор» — «Крилья Советов» (Куйбишев), 20.45 — Болалар учун телефильм, 20.55 — Кўрсатувлар программаси, 21.00 — Москва кўрсатади.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

18.30 Тошкент кўрсатувлари программаси.

Ўзбек тилида: 18.35 — Ўқувчилар учун концерт.

Рус тилида 19.00 — Олмаота кўрсатади: Футбол бўйича СССР биринчилиги «Қайрат» (Олмаота) — «Арарат» (Ереван).

Ўзбек тилида: 20.45 — Кинофильм, 21.35 — Халқ талантлари: Абдураҳмон Каримов, 22.15 — «Вернер Хольтнинг саргузаштлари» (бадиий фильмнинг биринчи серияси).

УЧИНЧИ ПРОГРАММА

Ўзбек тилида: 20.00 — «Афсонавий комбриг» (кинофильм).

Рус тилида: 20.10 — Рақс ансамбли, 20.30 — «Бу-он дўстлик» (ҳужжатли фильм), 20.50 — «Уғанинг болалари» (бадиий фильм), 22.00 — Фильм-концерт.

25 СЕНТЯБРЬ, ПАЙШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

18.30 — Кўрсатувлар программаси.

Рус тилида: 18.35 — Телеянгиликлар, 18.50 — Болалар учун мультфильм.

Ўзбек тилида: 19.10 — «Буржуазия идеологиясига ленинча муросасизлик», (суҳбат), 19.30 — В. И. Ленин туғилган кунинг 100 йиллиги олдидан: «Бўрон қуши». Ҳамза номидаги драма театрининг спектакли олиб кўрсатилади. Танаффус вақтларида телеянгиликлар ва «Шеърият мухлислари учун», 22.20 — «Пижама кийган учувчилар», (телефильмнинг учинчи серияси).

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

11.00 — Ўқув кўрсатувлари программаси, 17.55 — Тошкент кўрсатувлари программаси.

Рус тилида: 18.00 — Телеянгиликлар, 18.15 — «Зангори кема»лар, (Тошкент телестудияси ишлаган телефильм премьераси).

18.35 — «Келажак ўйлари», (телеочерк), 18.50 — Ўрта Осиёнинг ўрмон бойликлари, 19.10 — «Томдаги болалар». Шоир Туроб Тўланнинг ижодий портрети, 20.00 — Москва кўрсатади.

УЧИНЧИ ПРОГРАММА

Ўзбек тилида: 20.00 — «Сен бошлаган жойларда» (кинофильм).

Рус тилида: 20.30 — Ҳужжатли фильм, 20.40 — Музикали фильм, 21.35 — «Бизнинг уй», (бадиий фильм).

26 СЕНТЯБРЬ, ЖУМА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

18.30 — Кўрсатувлар программаси.

Рус тилида: 18.35 — Пионерлар учун: «Янгра, барабан» программаси, 19.10 — Телеянгиликлар, 19.25 — Халқ контроли экрани, 19.50 — «Николай Сличенко куйлайди» (суҳбатли концерт), 20.40 — Кўрсатувлар программаси.

Ўзбек тилида: 20.45 — Телеянгиликлар, 21.00 — Фарғона кинофестивали олдидан, 21.40 — «Ноз неъмат бунёдкори» программаси, 22.10 — «Пижама кийган учувчилар» (телефильмнинг тўртинчи серияси).

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

12.55 — Москва кўрсатади, 18.30 — Тошкент кўрсатувлари программаси, 18.35 — «Қизил қалпоқча» (балет эртаги). 19.15 — Реклама, 19.35 — «Ёшлик» студияси кўрсатади: «Сенинг тенгдошларинг» (ўзбек тилида), 19.55 — Москва кўрсатади.

УЧИНЧИ ПРОГРАММА

Ўзбек тилида: 20.00 — «Боғдорчилик тараққиёти» (кинофильм).

Рус тилида: 20.20 — «Анна Каренина» (телекомпозиция), 21.10 —«Волга дельтасида» (ҳужжатли фильм), 21.20 — «Академик Иван Павлов» (бадиий фильм).

27 СЕНТЯБРЬ, ШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

9.55 — Кўрсатувлар программаси.

Ўзбек тилида: 10.00 — Цирк томошалари, 10.40 — «Стратноннинг қизи», (бадиий фильм), 12.00 — Москва кўрсатади, 16.55 — Тошкент кўрсатувлари программаси, 17.00 — Рус тилида телеянгиликлар, 17.30 — Футбол бўйича СССР биринчилиги: «Пахтакор» — «Крилья Советов» (Куйбишев), 19.15 — Киноленинома: «Ульяновлар оиласи Киевда», 19.45 — «Ёшлик» студияси кўрсатади: «Истиқбол эгалари» тележурнали. 20.30 — Москва кўрсатади.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

15.00 — Москва кўрсатади, 20.30 Тошкент кўрсатади.

Ўзбек тилида: 20.50 — «Нефть тутғанда» (кинофильм), 21.10 — Ўзбек халқ куйларидан концерт, 21.50 — «Вернер Хольтнинг саргузаштлари», (бадиий фильмнинг 2-серияси).

УЧИНЧИ ПРОГРАММА

18.00 — Душанба кўрсатади, 20.00 — Олмаота кўрсатади: Футбол бўйича СССР биринчилиги, «Қайрат» (Олмаота) — «Арарат» (Ереван), 21.00 — Душанба кўрсатади.

28 СЕНТЯБРЬ, ЯКШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

9.55 — Кўрсатувлар программаси, 10.00 — Гимнастика, 10.20 — Кичкинтойлар учун: «Ўйлаб топ», 10.50 — «Қаҳраболин қочоқ», (бадиий фильм).

Ўзбек тилида: 12.00 — Ж. Родари. «Чипполино». (Ёш томошабинлар театрининг спектакли олиб кўрсатилади), 16.40 — Кўрсатувлар программаси, 16.45 — «Ахборот» программаси (рус тилида).

Ўзбек тилида: 17.45 — Машинасозлар кунига бағишланган эшитириш, 18.15 — Машинасозлар учун концерт. 18.45 — «Ахборот» программаси 19.15 — «Ёшлик» студияси кўрсатади: «Оталар сўзи-ақлнинг кўзи», 20.15 — «Қишлоқ детективи», (бадиий фильм).

21.45 — Колхозчилар съезди олдидан, 22.05 — Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Қувондиқ Исандаров куйлайди.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

11.00 — Ўқув кўрсатувлари программаси, 12.00 — Москва кўрсатади, 17.15 — Тошкент кўрсатади: «Икки кўча», «Бобир», (ўзбек тилида кинофильмлар), 17.45 — Москва кўрсатади.

УЧИНЧИ ПРОГРАММА

17.00 — Фрунзе телестудиясининг кўрсатувлари, 20.00 дан — Тошкент кўрсатади.

ТОМОШАЛАР. ЭЪЛОНЛАР. РЕКЛАМАЛАР.

РАДИО БУГУН

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

8.25 — Ленин ҳақида, партия ҳақида куйлаймиз. 9.30 — Ўйғур фантазияси. 10.10 — «Гулшан» радиожурнала. 11.15 — Рус қўшиқлари ва куйлари. 11.35 — Концерт. 12.15 — Концерт (талабларга мувофиқ). 13.30 — Куйлар. 15.10 — «Правда» газетасининг обзори. 15.20 — «Сиҳатсаломатлик» радиожурнали. 15.40 — «Ялла» концерти. 16.10 — Эстрада артистларининг концерти. 16.50 — «Бизнинг радиопочта». 17.20 — Ўйғур куйлари. 17.50 — «Идеология ва ҳаёт». 18.00 — Концерт. 18.40 — Спорт. 19.20 — Композитор С. Жалил асарлари. 20.00 — «Ленинном» программаси. 20.30 — «Менинг Ватаним» кантатаси. 21.00 — «Қардош социалистик мамлакатларда». 21.10 — Концерт (пахтакорлар учун). 22.20 — «Ҳалима» (музикали ҳикоя). 23.10 — Концерт.

ТЕЛЕВИДЕНИЕ БУГУН

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

9.55 — Кўрсатишлар программаси.

Ўзбек тилида: 10.00 — Бирга рақсга тушамиз. 10.30 — Салом, болалар! (бадиий фильм).

12.00 дан — Москва кўрсатади.

ТОШКЕНТ КУРСАТАДИ

16.55 — Кўрсатишлар программаси.

Рус тилида: 17.00 — Телеянгиликлар, 17.10 — Мушукча саргузашти (болалар учун кинофильм).

Ўзбек тилида: 17.30 — Кувноқ минутлар (болалар учун), 18.00 — Қозоғистон ва Урта Осиё республикалари қўғирчоқ театрлари фестивалининг ёпилиши (рус тилида), 18.55 — Телеянгиликлар, 19.10 — Кўрсатишлар программаси.

19.15 дан — Москва кўрсатади.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

16.00 дан — Москва кўрсатади.

ТОШКЕНТ КУРСАТАДИ

Ўзбек тилида: 19.15 — Студентлик — олтин даврим («Ёшлик» студияси). 20.15 — Телефильм, 20.35 — Спорт ҳафта ичида, 20.55 Доғистон куйлари, 21.35 — Автомобилдан сақланинг! (бадиий фильм)

УЧИНЧИ ПРОГРАММА

18.00 дан — Душанба кўрсатади.

ТЕАТР

ҲАМЗА НОМЛИ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 20/IX да Мирзо Улуғбек, 21/IX да Парвона.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 20/IX да Кумуш тўй.

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — Венгер ва Совет цирки усталарининг гастролари.

КИНО

ҚИШКИ БИНОДА

Сингилгинам Керри — «СПУТНИК» (жуфт соатларда), «ЎЗБЕКИСТОН», «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ», «ВОСТОК», «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун), САНЪАТ САРОЙИ (эрталаб соат 11, кундуз 1 ва 3 да).

Хавфли парвоз — «ЧАЙКА», «СПУТНИК» (тоқ соатларда), «ДРУЖБА» (кундуз ва кечқурун), «МОСКВА» (эрталаб соат 11-40 минут кундуз 3 ва кеч 7 да).

Утган кунлар — САНЪАТ САРОЙИ кундуз соат 5, кеч 6-45, 8-30 минут ва 10 да).

Тирик мурда — НАВОИЙ номли (кеч соат 9 да).

Шантеклер маликаси — «МОСКВА» (кундуз соат 1-20 минут, 5 ва кеч 9 да).

ЁЗГИ БИНОДА

(Кеч соат 8 ва 10 да бошланади)

Сингилгинам Керри — «ФЕСТИВАЛЬ».

Хавфли парвоз. — «ХИВА».

«Совет Ўзбекистони» газетаси редакциясининг коллективи газетанинг линотипчиси Р. Мирзулинага онаси

Шамсинохор БЕКТЕМИРОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Орган Центрального Комитета Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР.

Бизнинг адрес ва телефонлар: ТОШКЕНТ «ПРАВДА ВОСТОКА» кўчаси № 26. Редактор — 336545, Редактор ўринбосарлари — 337914, 338323, Масъул секретарь — 334455. Масъул секретарь ўринбосарлари — 337283, Партия турмуши — 333469, Марксизм-ленинизм назариясини пропаганда қилиш — 331216, Халқаро ҳаёт — 337604, Коммунистик тарбия — 331455, Саноат капитал қурилиш ва транспорт — 334780, Совет қурилиши — 333258, Қишлоқ хўжалиги — 337604, Адабиёт ва санъат — 332036, 337221, Фан, мактаб ва олий ўқув юртлари — 334451, Маҳаллий ахборот ва спорт — 332347, Оммавий ишлар ва хатлар — 339679, 333553, Иллюстрация — 334524, Стенографистка — 337343, Корректура — 337162, Эълонлар — 338142, Коммутатор — 330249, 330250, 330251, 330252, 330253, 330254, 330255, 330256, 330257, 330258. ОБЛАСТЬ МУХБИРЛАРИ, Андижон — 48—85, Бухоро 43—141, Қарши 38—42, Наманган 21—88, Нукус — 42—62, Самарқанд 31—972, Термез 23—27, Фарғона 41—88, Урганч 34—55.

№ Б. — 220. Узбекистон Компартияси Марказий Комитети Бирлашган нашриётининг босмахонаси. Тошкент шаҳри. ИНДЕКС 64633. Р. 16440